

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
И.М.МУМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 101.1:316 (9575)


ПУЛАТОВ АСЛИДИН ХОМИДОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭТНОСОЦИАЛ
МУНОСАБАТЛАР: НАЗАРИЯСИ, МУАММОЛАРИ,
ЕЧИМЛАРИ**

Ихтисослиги: 09.00.11 – ижтимоий фалсафа

фалсафа фанлари доктори
илмий даражасини олиш учун
тайёрланган диссертациянинг

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И



Тошкент – 2003

323.1(043.3)

П. 00

Диссертация Тожикистон Олий таълим вазирлиги Б.Ғофуров номидаги Хўжанд Давлат университетининг Сиёсатшунослик ва Фалсафа кафедраси ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси И.М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг Социология ва сиёсатшунослик бўлимида тайёрланган.

Расмий оппонентлар: фалсафа фанлари доктори,
профессор Н.Ё. Ғоибов

фалсафа фанлари доктори,
профессор Ў.М. Абилов

фалсафа фанлари доктори
Х.Ф. Хайдаров

Етакчи илмий муассаса: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Химоя 2003 йил ноябрь ойининг 21 кuni соат 14⁰⁰ да
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.М.Мўминов номидаги
Фалсафа ва ҳуқуқ институтидаги Д015.03.02 рақамли фалсафа фанлари
доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси
бўйича Ихтисослаштирилган илмий кенгаш йиғилишида ўтказилади.


Манзил: Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 9 уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг
Асосий кутубхонаси (Тошкент шаҳри, И.М.Мўминов кўчаси, 13 уй)да
танишиш мумкин.

Автореферат И.М.Мўминов да тарқатилади.

Тамғали муҳр билан тасдиқланган тақризларингизни
Ихтисослаштирилган кенгаш илмий котибига (Тошкент шаҳри,
И.М.Мўминов кўчаси, 9 уй) юборишингизни сўраймиз.

Ихтисослаштирилган кенгаш илмий котиби,
фалсафа фанлари номзоди, доцент:



Ж. Маҳкамов

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Талқикот мавзуининг долзарблиги. XX асрнинг охирларида жаҳонда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар энг аввало халқларнинг миллий-этник тараққиётини, этнососиал муносабатларнинг моҳиятини янги давр нуқтаи назаридан ўрганишни тақозо этмоқда. Агар собиқ тоталитар тузум даврида, миллий, этнососиал муносабатлар фақат капиталистик давлатларда ва улар ўз таъсирини ўтказаётган Яқин Шарқ, Лотин Америкаси, Ольстер, Шри Ланка, Ливандада кескинлашмоқда, деб таъкидланган бўлса, ҳозир эса ушбу муносабатларнинг кескинлашуви нафақат полиэтник, шу билан бирга моноэтник давлатларда ҳам содир бўлмоқда. Ҳатто илмий-техник ва маданий ривожланган Ғарб давлатларида ҳам этнососиал зиддиятлар ижтимоий ўзгаришлар ва сиёсий курашларда ўзини намоён этмоқда. Шундай экан, “ҳар қандай давлатнинг полиэтниклиги этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг этнослар ўртасида ўзора табиий муносабат ўрнатилишига таянадиган, босқичма-босқич амалга оширилаётган жараён мавжуд бўлишини назарда тутати. Бу ҳол, давлатнинг ва минтақанинг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган этник ва миллатлараро можаролар келиб чиққудек бўлса, уларнинг олдини олиш мақсадида мазкур жараёнларни мунтазам равишда ижтимоий таҳлил этиб боришни зарур қилиб қўяди”.¹

Демак, миллий ва этнососиал омилларни ҳисобга олмасдан, ички ва ташқи сиёсатда этносларнинг манфаатларига, социодинамик ривожланиш хусусиятларига таянмасдан жамият тараққиётини таъминлаш мумкин эмас.

Бугун этнососиал муносабатларда мураккаб ва ички зиддиятларга тўла жараёнлар содир бўлмоқда. Бир томондан жаҳонда давлатлараро интеграциялашув глобал воқеага айланаётган бўлса, иккинчи томондан айрим мамлакатларда конституцион тузум ва қонунларга зид миллий сепаратизм бош кўтармоқда; бир томондан тоталитар тузумлар емирилиб, уларнинг ўрнига мустақил миллий давлатлар юзага келган бўлса, иккинчи томондан уларда трайбализм қайта тикланмоқда; бир томондан давлатлараро интеграцияни кенгайтириш учун янги-янги халқаро шартномалар, битимлар

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.//Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида. . 6-жилд. - Т.: Ўзбекистон1998. – 88 б.

имзоланаётган бўлса, иккинчи томондан қуйи поғонада, фуқаролар ўртасида интеграциядан қониқмаслик кўзга ташланмоқда.

Табийки, ҳозир жаҳон тор миллий, синфий, ғоявий ёндашишларга таянадиган алоқалардан ўзаро манфаатдорликка асосланган кенг қамровли интеграцияга ўтмоқда. Дунёда инсон билан жамият, давлат ўртасидаги муносабатларда инсон ва фуқаролар манфаатларининг устуворлигини эътироф этадиган гуманистик янги ижтимоий тартиблар қарор топмоқда. Инсоният барча миллий-маданий тажрибаларга асосланган, улардаги юксак идеалларни, ахлокий нормаларни қамраб олган универсал макроэтикани яратишга интилмоқда. Бундай шароитда прогрессив ва регрессив қарашлар, кучлар ўртасидаги фарқлар, зиддиятлар тўла намоён бўлади. Агар объектив ва субъектив характерга эга ушбу омиллар ўз вақтида тадқиқ этилмаса, улардаги конструктив жиҳатлар аниқланиб, ижтимоий манфаатларга йўналтирилмаса, мавжуд фарқлар ва зиддиятлар чуқурлашиб, кескинлашиб тиглар тўқнашувидан мудҳишроқ “цивилизациялар тўқнашувини” (С. Хантингтон) келтириб чиқариши мумкин.

Тадқиқот мавзунининг долзарблигини қуйидагилар билан асослаш мумкин.

Биринчиси. Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг юзага келиши билан боғлиқ янги тарихий давр минтақа халқларининг ижтимоий тараққиёт учун масъул эканликларини тўла идрок этишларини, узоқ тарихий ривожланиш жараёнларида шаклланган этномаданий анъаналар ва алоқаларни янги давр талабларига мувофиқ ривожлантириш йўлларини топишларини шарт қилиб қўйди.

Иккинчиси. мустақилликнинг дастлабки йилларида “ўз давлатларига ном берган миллат”ларда уйғонган миллий ғурур, миллий ифтихор ва ўз салоҳиятига, ижтиҳодига тўла ишонч шўролар даврида шаклланган, анъанага айланган тасаввурларни, назарларни тубдан ўзгартириб юборди. Аммо ушбу прогрессив ҳолни тарихий табиий ҳодиса эканлигини тўғри англаб етмаслик минтақада миллий, этнодемографик, этномаданий, кенг маънода этносотиал муаммоларни келтириб чиқарди.

² Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.//Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. - Т.: Ўзбекистон. 1998. - 776.

Учинчиси. мустақил давлатлар ўз миллий манфаатларни ҳимоя қиладиган ва суверинитетини таъминлайдиган ташкилий белгиларига (масалан, чегараларига) эга бўлиши шарт. Хўш, ушбу манфаатлар ва ташкилий белгилар қадимдан давом этиб келаётган этносоциал алоқаларга, қардош халқларнинг ҳаётига, дунёқарашига, минтақада юзага келаётган янги этносоциал муносабатларга қандай таъсир этмоқда? Умуман тарихий-маданий ривожланиши ва этнодемографик хусусиятлари яқин, этногенези эса бир, аммо объектив тарихий шарт-шароитлар туфайли ҳар хил тараққиёт моделларини танлаган турли давлатларда яшаётган Марказий Осиё халқлари бугун қандай этносоциал муаммоларга дуч келмоқда ва уларни ечишда мустақиллик йилларида қандай тажрибалар тўплаган?

Тўртинчиси. шу пайтгача Марказий Осиёда этносоциал муносабатлар тадқиқотчилар диққатидан чеккада қолиб келди. Тоталитар тузум даврида шакланган “Коммунизмга борган сайин миллатлар ўртасидаги тафовутлар йўқолиб, миллатларнинг кўшилиб кетиш жараёни юзага келади” - деган ғайриҳаётий назариялар туфайли этносоциал муносабатлар ўрганилмади. Миллий масалаларга бағишланган йирик тадқиқотларда ҳам этносоциал муаммолар ўткинчи ҳодиса, пролетар интернационалиزمни қарор топа борган сайин барча миллатлар кўшилиб кетади деган моноидеологик кўрсатмаларни қўлаб-қувватловчи хулосалар чиқарилди. Чет элларда ўтказилган тадқиқотлар эса ўқувчиларга етказилмади. Кейинги ўн йилда этносоциал муаммоларга оид баъзи бир мақолалар эълон қилинди, аммо улар кўпроқ оммавий-маърифий йўналишдадир.

Ушбу омиллар ва сабаблар Марказий Осиёдаги этносоциал муносабатларни муҳим ижтимоий-амалий ва фундаментал илмий-назарий аҳамиятга эга муаммо сифатида махсус тадқиқ этишга ундади.

Муаммонинг ишланганлик даражаси. Халқлар, этнослар ва уларнинг ижтимоий ҳаётига оид дастлабки маълумотлар илк ёзма манбалар “Авесто”, Бехистун ёзувлари, Геродот, Фукидид, Арриан, Чжан Цзянь, Сюн Юн асарларидаёқ учрайди. Халқ оғзаки ижодининг қадимги намуналари “Алпомиш”, “Гўрўгли”, “Манас”, “Дада кўркўт” дostonлари турк халқларига ва уларнинг турмуш тарзи, анъаналари, этномаданий хусусиятларига оид қимматли маълумотларга тўла. Ўлкамизда яшаган барча алломалар, мутафаккирлар, ижод аҳли, давлат арбоблари Мавораннаҳр (Турон, Туркистон)да яшаган халқларнинг ҳаёти, маданий бойликлари,

этнопсихологик хусусиятлари ҳақида у ёки бу даражада тўхталиб, илмий тадқиқотлар учун қимматли манбалар қолдирганлар. Аммо, этнососоциал муносабатларни жиддий илмий муаммо сифатида ўрганиш XX асрда бошланган. Ушбу тадқиқотларни, улар илгари сурган илмий-назарий концепциялар нуқтаи-назаридан, қўйидаги йўналишларга ажратиш мумкин.

1. Жамият тараккиётига маънавий-маданий ва социал-утопик қарашларни илгари суралиган талқиқотлар ва назариялар. Уларга Платон, Аристотель, Форобий, Жомий, Навоий, Аҳмад Дониш, Д. Белл, У. Корнхаузер, Т. Мор, П. Манчини, Морелли, Р. Оуэн, У. Росту, Сен-Симон, Ш. Фурье, Ф.Г. Янг каби тадқиқотчиларнинг асарлари, қарашлари кириши мумкин. Ушбу мутафаккирларнинг асарларида келгусида ижтимоий зиддиятларсиз, курашларсиз, ҳатто “миллат ва миллий чегараларсиз инсонлар ассоциацияси” (Сен-Симон) юзага келади, деган фикрлар илгари сурилган. Бироқ ижтимоий-тарихий ривожланиш ушбу қарашларнинг реал ҳаётдан узоқ эканлигини кўрсатади.

2. Этнографик ва этнологик тадқиқотлар. Уларга С.М. Абрамзон, А.Г. Агеев, В.А. Анучин, Ю.В. Бромлей, В.И. Вернадский, М.Н. Губогло, Л.Н. Гумилев, Р.Ф. Итс, В.И. Козлов, С.А. Токарев, Ю.К. Поплинский, Н.Н. Чебоксаревларнинг тадқиқотларини кириштириш мумкин.

Уларда асосан этногенез ва этнография, этнология масалалари ўрганилади. Ушбу тадқиқотлар этнослар назариясини алоҳида илм соҳаси даражасига кўтаришда муҳим роль ўйнади.

3. Социал антропологик концепцияларни илгари сурадиган талқиқотлар. Уларга Ф.И. Минюшев, Э.А. Орлова, Я.Я. Рогинскийнинг

³ Мор Т. Утопия //Утопический роман XVI-XVII вв. – М.: Мысль, 1971; Сен-Симон. Катехизис промышленников. Избр. соч. в 2-т. Т.2. – М.: Изд-во АН СССР, 1948; Социально-утопические идеи в Средней Азии. – Т.: Фан, 1989; Чистов К.В. Русские народные социально-утопические легенды XVII-XIX вв. – М.: Наука, 1967; История политических и правовых учений. – М.: Норма-Инфра. М., 1999; Усманов М.К. Социальная утопия как течение общественно-философской мысли в Средней Азии. – Т.: Фан, 1989; Утопический социализм в России. – М.: Изд-во полит. лит-ры, 1985.

⁴ Абрамзон С.М. Киргизы и их этнические и историко-культурные связи. – Л.: Наука, 1971; Агеев А.Г. Народность как социальная общность //Вопросы философии, 1965, №2; Анучин В.А. Теоретические проблемы географии. – М.: Наука, 1972; Бромлей Ю.В. К характеристике понятия «этнос» //Расы и народы. Современные этнические и расовые проблемы. Ежегодник. – М.: Наука, 1971; Бромлей Ю.В. Опыт типологизации этнических общностей //Советская этнография, 1972, №5; Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. – М.: Наука, 1983; Вернадский В.И. Избранные сочинения в 6 т. Т.5. //Биосфера. – М.-Л.: 1960; Губогло М.Н. Современные этноязыковые процессы в СССР. – М.: Наука, 1984; Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. – М.: «Мишель и К.» 1994; Итс Р.Ф. Введение в этнографию. – Л.: Наука, 1974; Козлов В.И. О понятии этнической общности //Советская этнография, 1967, №4; Козлов В. Что такое этнос? //Природа, 1971, №2; Токарев А.С. Проблема типов этнических общностей //Вопросы философии, 1964, №2; Поплинский Ю.К. К истории возникновения термина «этнос» //Советская этнография, 1973, №1; Чебоксарев Н.Н., Чебоксарев И.А. Народы, расы, культуры. – М.: Наука, 1971.

таджикотлари⁵ мисол бўлиши мумкин. Уларда этнососиал муносабатлар жараёнида шахснинг ижтимоийлашуви ва миллий-этниқ хусусиятларини намоён этиши масалалари ўрганилади.

4. Социолоғиқ ва социал-психолоғиқ таджикотлар. Уларга Б.А. Грушин, Л.Н. Гумилев, Г.П. Гусейнов, Л.М. Дробижева, Л. Ионин, И. Кон, Г. Лебон, Ю.П. Платонов, Л.Г.Почебут, З.В. Сикевич, П. Сорокин, И. Шафаревич ва бошқаларнинг таджикотлари⁶ киради. Ушбу илмий асарларда, миллат ва жамият, этноснинг психолоғиқ хусусиятлари, стереотиплари ва улар ўртасидаги зиддиятлар таҳлил қилинади.

Ушбу йўналишда чет эллик таджикотчилар У. Бенкс, Зб. Бжезинский, П. Вандер Берге, Р. Гальбино, А. Грили, К. Гири, Р. Дорендорф, Т.Н. Ериксон, В. Коларз, У. Коннер, М. Месбахи, М.Н. Маргер, Е. Наби, Э. Олворт, Х. Тейфел, Ф.А. Хайек, В. Хейнчеканинг изланишлари, айниқса В. Вуднинг 10 жилдлик “Халқлар психолоғияси” асари муҳим ўрин тутати.⁷

5. Этастик ғояларни илғари сурувчи таджикотлар. Ушбу изланишларда миллат, этнослар билан давлатнинг алоқалари ўрганилади, давлат орқали этнососиал муносабатлар намоён бўлади деган назарлар илғари сурилади. Этастик концепцияларни италиялик социолоғ, ҳуқуқшунос Паскуаль Манчини, инглиз тарихчиси ва сиёсатшуноси Х.

⁵ Минюшев Ф.И. Социальная антропология. – М.: 1997; Орлова Э.А. Введение в социальную и культурную антропологию. – М.: Норма, 1994; Рогинский Я.Я., Левин М.Г. Основы антропологии. – М.: Наука, 1995.

⁶ Введение в этническую психологию. – СПб., 1995; Грушин Б.А. Массовое сознание – М.: Политиздат, 1987; Гумилев Л. Психологическое несходство этносов //Психология национальной нетерпимости. – Мн.: Харвест, 1998. С. 62-71; Гусейнов Г. Социально-психологические аспекты строительства национального государства //Психология национальной нетерпимости. – Мн.: Харвест, 1998, С. 295-306; Дробижева Л.М. Этносоциология //Энциклопедический словарь – М.: 1995; Ионин Л. Культурный шок: конфликт этнических стереотипов //Психология национальной нетерпимости. – Мн.: Харвест, 1998. С. 104-114; Кон И. Психология предрассудка //Психология национальной нетерпимости. – Мн.: Харвест, 1998. С. 5-48; Лебон Г. Психологическая иерархия рас. //Психология национальной нетерпимости. – Мн.: Харвест, 1998. С. 71-84; Платонов Ю.П., Почебут Л.Г. Этническая социальная психология – СПб, 1993; Сикевич З.В. Социология и психология национальных отношений. – СПб., Изд-во Михайлова В.А., 1999; Сикевич З.В. Этносоциология. Национальные отношения и межнациональные конфликты – СПб., 1994; Сорокин П. Национальный вопрос как проблема социального равенства //Психология национальной нетерпимости – Мн.: Харвест, 1998. С. 253-267; Шафаревич И. Теория «малого народа». //Психология национальной нетерпимости. – Мн.: Харвест, 1998. С. 380-437.

⁷ Allworth E. Soviet Nationality Problems. – N.Y. and London, 1971; Banks V. Ethnicity: Antropological Constructions. – London – New York, 1996; Brzezinski Zb. The Grand Chessboard. American and Its Qeostragic Imperatives. – Basic Books A Division of Harper Collins Publishers, 1998; Вуд Вильгельм. Психология народов. – СПб, 1998; Dahrendorf R. Class and class conflict in an Industrial Society. – London, 1969; Ericson T.N. Ethnicity and Nationalism. – Lomdon, Boulder, 1993; Kolars V. Communism and Colonialism. – London, 1964; Kolars V. Russia and her Colonies. Hamden, Conu, Arehen, 1967, XXV. P. 330-384; Marger M.N. Race and Ethnic Relations: American and Global Perspectives. – Belmont, 1991; Mesbahi M. Introduction: Russiaand the new Muslim states: change or continuity? //Central Asian survey, Abingdon, 1993, №2; Nabi E. Ethnicity and Islam in Central Asia //Central Asia survey – Abingdon, 1993. №12; Taifel H. Human Groups and Social Categories: Studies in Social Psychology. – Cambrige, 1981; Haenshke B. Transformation und Indentitat (Aspekte, Erfahrun den. Tendenzen). – Berlin, 1994; Hayek F.A. Denationalization of money. Institute of Economic Affairs. – London, 1978.

Сетон-Уотсон, рус ҳуқуқшуноси Л.Д. Градовскийлар илгари суради.⁸ Ушбу концепцияларга муносабатлар ҳар хил бўлса-да, уларда фақат давлатгина миллий муносабатларни бошқариши ва шакллантириши мумкин деган ғоя асосланади.

6. Миллий-этник муаммоларга иркий концепциялар нуктаи назаридан ёнлашувчи тадқиқотлар ва қарашлар. Ушбу изланишларда кишилар табиатан ва ижтимоий мавқеи нуктаи назаридан тенг эмас, шунинг учун халқлар, миллатлар ҳам тенг эмас деган қараш илгари сурилади. Иркий тенгсизликни келтириб чиқарадиган бошқа этнопсихологик ва этномаданий омиллар ҳам мавжуд.⁹ Аммо бу назариялар деярли барча тадқиқотчилар томонидан рад этилади.

7. Тарихий материалистик концепцияларнинг вужудга келиши Гельвений, Монтескье, Дидро, Вольтер, Руссо, Морелли, Г. Бабеф, Д. Вико каби мутафаккирларнинг номлари билан боғлиқ. Аммо улар А. Бебель, К. Маркс, Ф. Энгельс ва К. Каутский қарашларида тўлароқ ўз аксини топган, ҳамда собиқ иттифоқ даврида ўз оқибатини кўрсатган.

Халқлар, миллатларнинг шаклланишида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳал этувчи омил бўлгани, этносларнинг тарихий ривожланиши билан бирга шаклланиши, ижтимоий тенгсизлик кишилар, халқлар, синфлар ва миллатлар ўртасида зиддиятларни келтириб чиқариши муқаррарлиги ҳақидаги фикрлар ҳозир ҳам қимматлидир. Бироқ марксизмнинг «эксплуататорларни экспроприация қилиш» ғояси жамиятни қарама-қарши синфларга бўлиб кишиларни, халқларни, этносларни бири-бирига ёв қилиб қўйдики, охир натижада тенгликка қуриладиган коммунизмнинг ўзи ҳам хом хаёл бўлиб чиқди.¹⁰

8. Идеалистик ва трансцендентал қарашларга асосланган тадқиқотлар. Уларда миллат, этносларнинг шаклланишида «трансцендентал кучлар қудрати», «илоҳий ибтидо» асосий роль ўйнаган деган назарларга таянилади. Ушбу концепцияларни этнологияга И. Кант идеализми таъсирига берилган О. Бауэр, Ф. Лоран, К. Реннер, Р. Шпрингер, Ж.Э. Ренан каби

⁸ Қаранг: Артановский С.Н. Зарубежные концепции этничности: методологические проблемы исследования истории культуры. – Л.: ЛГИК, 1982. – С. 100-117; Нерсисян В.С. Философия права. – М.: Норма-Инфра, 1998. – С. 514-516 ва б.

⁹ Қаранг: Аберкромби Н.Н., Хилл С., Тернер Б.С. Социологический словарь. – Казан, Казан. Ун-т, 1997. – С. 312-313.

¹⁰ Қаранг: Марксизм PRO и CONTRA. – М.: Республика, 1992. – с. 32,39, 142 ва б.

чет эллик тадқиқотчилар олиб кирган.¹¹ Улар илм-фанда кўллаб-қувватланмаса-да, оммабоп мақолаларда учраб туради.

9. Пассионар ёндашувга асосланган тадқиқотлар. Ушбу ёндашувни В.И. Вернадский, В.И. Козлов ва Л.Н. Гумилевлар илгари сурадилар. Ушбу ёндашувга кўра этносларнинг шаклланиши учун тил, миллий онг, ижтимоий муносабатлар етарли эмас, балки этнослар ҳаёти биомухит билан ҳам боғлиқдир.¹² Кейинги йилларда экологик инкирозларнинг глобал ҳодисага айланиши билан ушбу концепция илмий тадқиқотларда кенг ўрин олди.

10. Маданий-цивилизацион ёндашишларга таянган тадқиқотлар. Ушбу ёндашувларга кўра, этнос ижтимоий-маданий таракқиёт маҳсули, ҳар бир этник бирлик ўз маданий парадигмаларига эга, уларни ҳатто социал инқилоблар ҳам бутунлай йўқ қилолмайди. Миллий, этносоциал муносабатларга маданий-цивилизацион ёндашишни Н.Я. Даниловский, К.Н. Леонтьев, Ф. Ратцель, П. Сорокин, А. Тойнби, Э. Тоффлер, К. Ясперс, О. Шпенглер илгари сурадилар.¹³

Совет даврида миллат ва миллий-этник масалаларни ўрганиш борасида кенг тадқиқотлар олиб борилган. Улар жумласига Э.А. Баграмов, Ю.В. Бромлей, Т. Жданко, С.Т. Калтахчян, А.В. Лихолат, М.И. Куличенко, Н.И. Матюшкин, М.А.Морозов, Ю.И.Римаренко, В.Х.Харнахоев, И.П.Цамерянларнинг асарларини¹⁴ киритиш мумкин. Уларда миллий,

¹¹ Қаранг: Бауэр О. Национальный вопрос и социал демократия. – СПб., 1999; Шпрингер Р. Национальные проблемы: Борьба национальностей в Австрии. – СПб., ОБП, 1999; Римаренко Ю.И. Антикommунистический альянс. – Киев, Наукова Думка, 1981 ва б.

¹² Қаранг: Вернадский В.И. Химическое строение биосферы Земли и ее окружения. – М.: Наука, 1965; Гумилев Л.Н. Роль климатических колебаний в истории народов степной зоны Евразии //История СССР, 1967, №1; Козлов В.И. О биолого-географической концепции этнической истории //Вопросы истории, 1974, №12.

¹³ Қаранг: Данилевский Н.Я. Россия и Европа: взгляд на культурные и политические отношения славянского мира к германо-романскому. – М.: 1991; Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общества. – М.: Республика, 1992; Тойнби А. Цивилизация перед судом истории. Сборник. – М.: Рудольф, 2002; – СПб.: Ювента, 1996; Ясперс К. Смысл и назначение истории. – М.: Республика, 1994; Toffer A. The Third Wave. – N.Y., 1980; Яковец Ю.В. История цивилизаций. – М.: Гуманит, изд. центр Владос, 1997.

¹⁴ Баграмов Э.А. Национальный вопрос в борьбе идей. – М.: Политиздат, 1982; Бромлей Ю.В. Этнические процессы в СССР: в поисках новых подходов. – М.: Наука, 1988; Горовский Ф.Я., Римаренко Ю.И. Марксистско-ленинская теория нации и социалистическая практика. – Киев, Высш. школа, 1985; Жданко Т. Этнографическое изучение процессов развития и сближения социалистических наций в СССР. – М.: Наука, 1964; Калтахчян С.Т. Марксистско-ленинская теория нации и современность – М.: Политиздат, 1983; Куличенко М.И. Расцвет и сближение наций в СССР. – М.: Мысль, 1981; Уники, Нация и социальный прогресс – М.: Наука, 1983; Лихолат А.В. Содружество народов СССР в борьбе за построение социализма 1917-1937. – М.: Изд. полит. лит-ры, 1976; Матюшкин Н.И. СССР – страна великого содружества народов. – М.: Гос. изд-во культ. – просвет. лит-ры, 1953; Морозов М.А. Нация в социалистическом обществе. – М.: Политиздат, 1986; Современные этнические процессы в СССР. – М.: Наука, 1975; Федосеев П.Н. Диалектика современной эпохи. – М.: Наука, 1966; Харнахоев В.Х. Диалектика национального и интернационального в советском образе жизни. – Иркутск, Изд. Иркутск. Ун-та, 1985; Цамерян И.П. Нации и национальные отношения в развитом социалистическом обществе. – М.: Наука, 1979; Шитов Н.Ф. Социалистический интернационализм и патриотизм. – М.: Политиздат, 1971 ва б.

этносоциал муносабатларнинг назарий масалалари кенг муҳокама қилинади, социалистик миллатни шакллантириш тажрибалари таҳлил қилиниб, синфсиз, мулксиз, миллий хусусиятсиз ва шахсий ҳаётсиз кишилардан ташкил топадиган коммунистик жамият қуриш йўллари ўрганилади. Коммунистик ғоя апологетларининг ушбу қарашлари ғайриҳаётий чиққанини ҳозирги тараққиёт кўрсатиб турибди.

Марказий Осиёдаги миллатлар этногенези, этносоциал муносабатлар, миллий ва ижтимоий тараққиёт, ўлкамиз халқлари ўртасида дўстликни, маданий ҳамкорликни ривожлантириш муаммолари М.М. Абаев, Э.Н. Абдуллаева, А. Акрамов, Н. Ашимов, М.С. Бесбаев, М. Ваҳобов, Б.Г. Гафуров, С.И. Гитлин, Н.Д. Джандильдин, М.С. Джунусов, И. Джаббаров, Х. Иноятов, И. Каримов, А. Мамадов, Т.Махмудов, О.С. Реджепова, Дж. Расулов, М.М. Мужиков, К.Ш. Шаниязов, С.Ш. Шермухамедов, Қ.Х. Ханазаров, Т.К. Ходжайов, М. Эрматов, А.М. Юнусов, Э.Ю. Юсуповларнинг тадқиқотларида¹⁵ ўрганилган. Ушбу тадқиқотлар ўзининг илмий-фундаментал хусусиятлари ва муаммоларни кенгроқ қамраб олиши, этносоциал муносабатлардаги позитив томонларни янада кенгайтиришга интилиши билан ажралиб туради. Шу билан бирга уларда илмий

¹⁵ Абаева М.М. Сотрудничество социалистических наций в развитии духовной культуры в условиях зрелого социализма. – Ашхабад, Былим, 1981; Абдуллаева Э.Н. Расцвет и сближение культур народов Средней Азии при развитом социализме и критика их буржуазных фальсификаторов. – Т.: Фан, 1981; Акрамов А. Халқларнинг ленинча дўстлиги байроғи остида. – Т.: Ўзбекистон, 1976; Ашимов Н. Ислам и нация. – М.: Политиздат, 1975; Бесбаев М.С. Интернационализм народов – братьев (Об интер. воспитании). – Алма-Ата, 1985; Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. – Т.: Ўзбекистон ССР Давлат нашр., 1960; Гафуров Б.Г. Таджики древнейшая, древняя и средневековая история. – Душанбе, Ирфон, 1989; Гитлин С.И., Расулов К.Р. Отстоять национальное единство народов (Интернациональное воспитание: опыт, проблемы) – Т.: Ўзбекистон, 1991; Джандильдин Н.Д. Природа национальной психологии. – Алма-Ата, Ўлим, 1971; Джунусов М. Две тенденции социализма в национальных отношениях. – Т.: Фан, 1975; Уники, Вопросы теории интернационального воспитания. – Т.: Ўзбекистон, 1980; Уники, Нация как социально-этническая общность //Вопросы истории, 1966, №4; Жаббаров Исо. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Уқитувчи, 1994; Мамадов А. Социалистическая консолидация национальных культур в ее основных аспектах. – Душанбе, 1981; Масов Рахим. Таджики: история с грифом «совершенно секретно». – Душанбе, 1995; Образ жизни и идеологическая борьба. – Фрунзе, 1980; Реджепова О.С. Критика буржуазной фальсификации национальной политики КПСС – Ашхабад, Былим, 1980; Мужиков М.М. Гармоническое сочетание интернациональных и национальных интересов. – Алма-Ата, 1981; Шаниязов К.Ш. О формировании тюрко-язычных народностей Средней Азии //Материалы III-тюрко-языч. конф. ФЛИВ. – Ташкент, 1984. С. 343-347; Шаниязов К.Ш. Этнокультурные связи узбеков с другими тюрко-язычными народами Средней Азии и Казахстана //Пробл. совр. тюркологии. – Алма-Ата, 1980. С. 358-364; Шермухамедов С.Ш. Методологическое значение понятия «советский народ» //Вопросы философии, 1980. №5. С. 82-91; Уники, Расцвет и сближение национальных культур народов СССР. – М.: Мысль, 1974; Шониёзов Карим. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Шарк, 2001; Ханазаров К.Х. Решение национально-языковой проблемы в СССР. – М.: Политиздат, 1982; Уники, Расцвет и сближение национальных культур в условиях развитого социализма //Вопросы философии, 1982, №9. С. 31-45; Ходжайов Т.К. Этнические процессы в Средней Азии в эпоху Средневековья. – Т.: Фан, 1987; Эрматов М. Этногенез и формирования предков узбекского народов – Ташкент, Фан, 1968; Юнусов А.М. Интернациональное и национальное в развитии духовных ценностей советского народа. – Т.: Фан, 1987; Юсупов Э.Ю. Становление и развитие великого братства народов СССР. – Т.: Фан, 1982 ва б.

изланишлар устидан ҳукмронлик ўрнатган тор синфийлик принципнинг ҳам таъсири борлигини кўрамиз.

Мустақиллик йилларида миллий-этниқ муаммолар бўйича А. Асанканов, О. Ата-Мирзаев, В. Гентшке, А. Джекшенкулов, Л.П. Максакова, У.К. Саралаев, Б. Сыдыков, И. Фозилхўжаев, У. Чиналиев, Қ.Х. Хоназаровнинг монография ва китоблари¹⁶, Н. Амеркулов, А.Г. Бабаев, А. Байменов, В. Бушков, У. Касенов, С.Д. Комилов, Бруно Коппитерс, К.К. Молдобаев, С. Олимова, М.Б. Олкотт, М. Султанова, Ф. Толипов, В. Ханин, Г. Хидоятлов, А. М. Юнусовнинг асарлари ва илмий мақолалари¹⁷ чоп этилди. Аммо уларда этнососиал муаммолар йўл-йўлакай тилга олинади. Шунинг учун Марказий Осиёдаги бугун шаклланаётган янги этнососиал

¹⁶ Асанканов А. Кыргыз: Рост национального самосознания. – Бишкек, 1997; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.: 1998; Джекшенкулов А. Новые независимые государства Центральной Азии в мировом сообществе. – М.: Научная книга, 2000; Максакова Л.П. Миграция населения Узбекистана, – Т.: 2000; Масов Рахим. Таджики: история с грифом «совершенно секретно» – Душанбе, Ирфон, 1995; Межтаджикский конфликт: путь к миру. – М.: 1998; Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналминал дунёқараш. – Т.: Ўзбекистон, 1993; Програма развития Ферганской долины (Кыргызстан, Таджикистан, Узбекистан) – Т.: Ўзбекистон, 1997; Саралаев У.К. Международное общение: теория и практика. – Т.: Меҳнат, 1999; Сыдыков Б. Кыргызстан – Узбекистан: пять лет сотрудничества равных десятилетню. – Т.: Ўзбекистон, 1998; Уники. Некоторые вопросы социокультурной политики государств Центральной Азии (на примере сотрудничества Кыргызстана и Узбекистана) – Т.: Ёзувчи, 2000; Таджикистан в огне. – Душанбе, Ирфон, 1999; Фозилхўжаев И. Миллатлараро муносабатларни тартибга солиш (давлат-хукукий аспектлари) – Т.: Фан, 1991; Чиналиев У. Становление Кыргызской государственности в переходный период. – М.: 2000; Центральная Азия 2010 Перспективы человеческого развития. Региональное Бюро по странам Европы и СНГ UNDP. Published by ScanWeb, Finland, 2000; Central Asia: the Challenges of Independence. Ed. by Boris Rumer and Stanislav Zhukov. Armonk, - New York - London, M.E. Sharp, 1998; Хоназаров Қ.Х. Интернациональное воспитание в условиях независимости Узбекистана. – Т.: Катартол-Камолот, 1997.

¹⁷ Амеркулов Нурлан. Жузы в социально-политической жизни Казахстана //Центральная Азия и Кавказ, 2000, №3(9). – С. 128-139; Бабаев А.Г. Современная демографическая ситуация в Таджикистане //Материалы Центральноазиатской конференции по региональному сотрудничеству – Бишкек, 1995. – С. 190-197; Байменов А. Вопросы регионального сотрудничества в области демографии и безработицы //Материалы Центрально-азиатской конференции по региональному сотрудничеству, 1995. – Бишкек, 1995. – С. 184-189; Бушков В., Моногарова Л. Этнические процессы в Горно-Бадахшанской Автономной области Таджикистана //Центральная Азия и Кавказ, 2000, №5 (11). – С. 210-224; Касенов У. Центральная Азия: национальные и региональные аспекты безопасности //Казахстан и мировое сообщество, 1996, №1. – С. 22-28; Комилов С.Д. Интеграция стран Центральной Азии – главное условие стабилизации экономики Таджикистана //Материалы Центральноазиатской конференции по региональному сотрудничеству. – Бишкек, 1995. – С. 247-250; Коппитерс Бруно. Партнерство ради мира с Центральной Азией //Этнические и региональные конфликты в Евразии. Кн.3. – М.: Весь мир, 1997. – С. 227-250; Молдобаев К.К. Конфликтность в межнациональных отношениях и этнососиалная память //Центральная Азия и культура мира, 1997, №1. – С. 42-53; Олимова С. Политический ислам и конфликт в Таджикистане //Центральная Азия и Кавказ, 1999, №4 (5). – С. 133-141; Олимова С. Таджикистан – Россия: от «развода» к интеграции //Центральная Азия и Кавказ, 2000, №3 (9). – С. 41-49; Олимова С. Таджикистан – первая остановка на пути Афганской миграции //Центральная Азия и Кавказ, 1998, №1. – С. 105-114; Олкотт М.Б. На встречу будущему: двенадцать мифов о Центральной Азии //Материалы Центральноазиатской конференции по региональному сотрудничеству. – Бишкек, 1995. – С. 96-111; Султанова М. Участие Таджикистана в интеграционных процессах в СНГ и Центральноазиатском регионе //Центральная Азия и Кавказ, 2000, №5 (11). – С. 199-206; Толипов Ф. Демократизм, национализм и регионализм в странах Центральной Азии //Центральная Азия и Кавказ, 2000, №4 (10). – С. 7-18; Ханин В. Кыргызстан: этнический плюрализм и политические конфликты //Центральная Азия и Кавказ, 2000, №3 (9). – С. 155-163; Хидоятлов Г. Безопасность и сотрудничество в Центральной Азии: проблемы, поиски, решения //Халқаро муносабатлар. Иктисод. Сиёсат. Хуқук. 2001, № 3. – С. 53-65.

муносабатларни янги ижтимоий ҳодиса сифатида фалсафий таҳлил этиш зарурияти мавжуд.

Талкикот максали. Марказий Осиёдаги миллий, этносоциал муносабатларнинг бугунги аҳволини, муаммоларини ва уларни ечиш йўлларини ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этишдан иборат.

Ушбу мақсад **қуйидаги вазифаларни** ҳал этишни тақозо этади.

1. Миллий, этносоциал муносабатлар ҳақидаги илмий-назарий концепцияларни фалсафий таҳлил этиш ва улардаги конструктив жиҳатларни аниқлаш.
2. Миллий, этносоциал муносабатларни ҳал этиш борасида тўпланган ижтимоий-тарихий тажрибаларни ўрганиб, улардаги позитив томонлардан фойдаланиш йўлларини аниқлаб бериш.
3. Марказий Осиёда мустақил давлатларни юзага келиши ва демократик ўзгаришларнинг этносоциал муносабатларга таъсирини ўрганиш.
4. Мустақил давлатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий интеграциянинг миллий, ҳудудий ва минтақавий этномухитга, этнотараққиётга таъсирини кузатиш.
5. Минтақавий этносиёсатнинг ички хусусиятларини тадқиқ этиб, этносоциал муносабатларни шакллантириш ва бошқаришнинг янги моделини назарий ишлаб чиқиш.
6. Марказий Осиёдаги этносоциал муносабатларнинг минтақавий (регионал) муаммоларини аниқлаб, уларни тўғри ҳал этишнинг йўлларини белгилаб бериш.
7. Ижтимоий низоларнинг келиб чиқиш боисларини, кўринишларини ўрганиш, улардаги конструктив томонлардан жамиятнинг полиэтник тараққиётида фойдаланиш йўлларини аниқлаш.
8. Этносоциал муносабатларни барқарорлаштиришда, минтақавий этномуаммоларни ҳал этишда замонавий полиэтник жамиятларга хос маданий-гуманитар анъаналар ва алоқалардан кенг фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш.

Талкикотдаги илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

Биринчиси, Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг юзага келиши ва уларнинг демократик жамият, инсон ҳуқуқларини тўла қафолатлайдиган ҳуқуқий давлат қуришни келгуси тараққиётининг магистрал йўли

эканлигини эълон қилиши билан фуқаролар, халқлар, миллатлар — этносларда ушбу имкониятлардан етарлича баҳраманд бўлишга интилиш кучайди. Уларнинг энг аввало илғор ижтимоий-сиёсий кучлари, давр ва келажак олдиди масъул эканлигини сезиб, демократик ўзгаришларга бошқош бўлдилар. Бироқ этносоциал муносабатларда деструктив ҳодисалар ҳам юзага келдики, уларни эскича, маъмурий буйруқбозлик ёки репрессив йўллар билан бартараф этиш мумкин эмас эди. Демак, этносоциал муносабатлар, Марказий Осиёда янги ижтимоий ҳодисалар сифатида, барча конструктив кучлар диққатини ўзига жалб қилди. Бу эса илм, фандан этносоциал муносабатларни алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганишни тақозо этди. Диссертацияда Марказий Осиёдаги этносоциал муносабатлар ўлкамизнинг полиэтник белгилари ва миллий маданиятларнинг полистилистик хусусиятларидан келиб чиқадиган ўзига хос шарқона ҳодисалардан бири эканлиги асосланади.

Иккинчиси, миллий, этносоциал муносабатлар ҳақида хусусий фанларда ранг-баранг илмий-назарий концепциялар мавжуд. Диссертацияда ушбу концепцияларни махсус ўрганиш, классификация қилиш, улардаги позитив ёндашишларни аниқлаб, миллий-этник муаммоларни ҳал этишга йўналтиришнинг ҳам илмий-назарий, ҳам ижтимоий-амалий аҳамиятга эга эканлигини очиб берилган.

Учинчиси, диссертацияда бутун Марказий Осиёда анъанавий миллий-этник муносабатлар трансформацияга учраётгани, уларнинг ўрнига миллий манфаатларга, ўзаро манфаатдорлик алоқаларига асосланган янги йўналишлар, андоза, модел шаклланаётгани кўрсатилган, худди шунингдек унда инсоннинг туб манфаатларидан келиб чиқадиган этносоциал муносабатларнинг интрагуруҳий ва интергуруҳий, ҳудудий, минтақавий (регионал) ва умуминсоний (глобал) йўналишлари мавжудлиги, тадқиқот объекти эса асосий эътиборни минтақавий (регионал) йўналишга қаратишни тақозо этаётгани асослаб берилган.

Тўртинчиси, этносоциал муносабатлар мамлакатдаги кенг ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми, шунинг учун у мамлакат танлаган тараққиёт моделининг хусусиятларини ўзида акс эттиради. Марказий Осиё давлатлари танлаган тараққиёт моделлари ўртасида фарқлар мавжуд. Демак, давлатларнинг этносиёсатида маълум бир фарқлар бўлиши табиий. Аммо диссертацияда этносоциал муносабатлар генезиси умуман ижтимоий-тарихий

жараёнларга бориб тақалгани, этномаданий алоқалар минтақавий хусусиятларга эга бўлгани учун Марказий Осиёдаги этносиёсат ана шу тарихий-маданий анъаналарга таяниши зарур деган концепция илгари сурилган.

Бешинчиси, диссертацияда этносиёсат ўз ички тизимларига, функцияларига, объект ва субъектларига, вақт ва маконда намоён бўлиш хусусиятларига эга, шунинг учун унинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш зарур. Минтақавий этносиёсат миллатлар ва ҳудудларни, давлат ва ижтимоий институтларни субэтнос даражасида диверсификация, кооперация бўлиб фаолият кўрсатишни таъминлайди. Шу тариқа у, минтақавий этносиёсат, этнососоциал муносабатларни ва алоқаларни шакллантиради ҳамда бошқаради, деган фикр ишлаб чиқилган.

Олтинчиси, Марказий Осиёдаги этнососоциал муаммолар мураккаб ижтимоий, сиёсий, демографик, маданий, психологик омилар билан боғлиқ, этномаданиятлардаги муштарақликларни чуқурлаштириш ва транснационал алоқаларни кенгайтириш орқалигина жамиятлардаги полиэтник хусусиятларни саклаб қолиш мумкин, деган фикр ҳимоя қилинган.

Еттинчиси, жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган кластер қонуниятлари асосида асосида бошқариш ҳудудий, ижтимоий-иқтисодий ва этнососоциал муаммоларни ҳал этишнинг инновацион усули эканлиги исботланган.

Саккизинчиси, этномаданият полистилистик характерга эга, шунинг учун этнослараро фарқлар, тафовутлар мудом сакланиб қолади, акс холда халқларнинг миллий-этник хусусиятлари сунъий тарзда йўққа чиқарилади. Шунинг учун диссертацияда, этномаданиятнинг полистилистик белгиларини маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, турли миллий манфаатларни ва миллий-этник ҳаётдаги инновацияларни қўллаб-қувватлаш орқали ривожлантириш мумкин, деган қараш асослаб берилган.

Тўққизинчиси, ижтимоий низоларни келтириб чиқарувчи омиллар жамиятда истаганча топилади, аммо улардаги регрессив таъсирни сусайтирувчи прогрессив томонлар ҳам йўқ эмас. Диссертацияда этнососоциал муаммоларни ҳал этишда ана шу прогрессив томонлардан, жамият маънавий ҳаётида тўпланган этномаданий тажрибалардан, маданий-гуманитар алоқалардан фойдаланиш йўллари усуллари ва имкониятлари кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг илмий-методологик ва назарий асосларини

фалсафанинг жамият объектив тарихий-тадрижий ривожланиш қонунларига мувофиқ тараққий этади, миллий-этник муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ, инсоният тараққиёти миллий, ҳудудий, минтақавий (регионал) ва умуминсоний (глобал) мақсадлар, манфаатлар орқали рўй беради, келгусида миллий ва умуминсоний жиҳатларни уйғунлаштирган универсал макроэтник ва макромаданий нормалар юзага келади, деган фикрларига таянади.

Диссертацияда миллий этник ва умуминсоний муаммоларни, Марказий Осиёдаги рўй бераётган ижтимоий ўзгаришларни, этносциал ва этномаданий муносабатларни тадқиқ этган файласуфлар, социологлар, сиёсатшунослар, тарихчи-этнографлар, этнологлар, маданиятшунос ва низошуносларнинг ёндашувларига, фикрлари ва хулосаларига таянилди.

Худди шунингдек, тадқиқотнинг илмий-назарий концепциясини белгилашда Марказий Осиё Республикалари Президентларининг Туркистон халқларининг тарихий-маданий меросини тиклаш, улар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш ҳақида илгари сурган концептуал фикрларидан, кўрсатмаларидан келиб чиқилди. Республикалар қонунлар чиқарувчи олий органларининг минтақавий аҳамиятга эга ҳужжатлари, Давлатлараро Кенгаш ишлаб чиққан дастурлар ва қабул қилган қарорлари тадқиқот ўтказишда асос бўлди.

Тадқиқотда фалсафанинг объективлик, анализ ва синтез, комплекс ва функционал ёндашиш, умумийликдан хусусийликка, воқеаларни тарихий-тадрижий ривожланишда ўрганиш усулларидан фойдаланилди. Шунингдек, социологиянинг оммавий сўроқ, контент-анализ, интервью, суҳбат, социодинамик кузатув каби конкрет илмий тадқиқот усуллари қўлланилди.

Марказий Осиёда этносциал муносабатларни ўзида тўла намоен этаётган Хўжанд-Фарғона водийси, Ўш-Андижон ва Шимкент-Сирдарё полиэтник ҳудудларида конкрет-социологик тадқиқотлар ўтказилди. Сўровда 2900 респондент қатнашди. Улардан ўзбеклар - 28,4%ни, тожиклар - 24%ни, қозоқлар - 14%ни, қирғизлар - 13,5%ни, туркманлар - 10,6%ни, руслар - 4,5%ни ва қолган миллат вакиллари - 4%ни ташкил этади. Сўровлар 2000-2001 йилларда ўтказилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда чиқарилган илмий-назарий хулосалардан ва концептуал фикрлардан этносоциал муносабатлар бўйича монографик тадқиқотлар, изланишлар ўтказишда, олий ўқув юртиларида ўқитиладиган этнополитология, этнография, этнология, маданиятшунослик, халқаро муносабатлар назарияси, конфликтологияга оид фанларда фойдаланиш мумкин.

Диссертацияда ишлаб чиқилган тавсиялардан эса халқаро дипломатик алоқалар ўрnatувчи идоралар, элчихоналар, транснационал уюшмалар ва Марказий Осиё Давлатларaro Кенгаши ҳам ўз фаолиятларида фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказилиши. Диссертацияда баён этилган илмий хулосалар ва амалий тавсиялар муаллиф томонидан чоп этилган иккита монография, 4 та рисола, 1 та ўқув қўлланмаси, 22 та мақола ва тезисларда ўз аксини топган. Тадқиқот Тожикистон Республикаси Хўжанд давлат университетининг Сиёсатшунослик ва Фалсафа кафедраларининг қўшма йиғилишида (2001 йил 22 феврал 6-Баённома) муҳокама қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтига ҳимоя қилиш учун тавсия этилган. Ушбу институтнинг Социология ва сиёсатшунослик бўлимида (2002 йил 14 июнь; 4-Баённома), (2002 йил 5 октябрь; 6-Баённома), Тошкент Молия институти (2002 йил 15 ноябрь; 6-Баённома), Тошкент Давлат Иккинчи Тиббиёт институти (2002 йил 3 декабрь; 4-Баённома), Тошкент Давлат Аграр университетининг (2002 йил 17 декабрь; 5-Баённома) фалсафа кафедраларида муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

Муаллиф тадқиқотни амалга оширишда илмий маслаҳатчи бўлган ЎзФА аъзоси, фалсафа фанлари доктори, проф. Э. Юсупов ва фалсафа фанлари доктори А. Юнусовларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация «Кириш», 3 боб, «Хулоса» ва «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **«Миллий ва этносоциал муносабатларнинг илмий методологик масалалари»** деб номланган биринчи бобида миллий ва

этносоциал муносабатлар ҳақидаги илмий назарий концепциялар таҳлил қилинади. Улар: 1) тарихий-этнографик ва этнологик; 2) социал-антропологик; 3) социал-утопик; 4) социологик ва социал-психологик; 5) этатгистик; 6) ирқий; 7) тарихий-материалистик; 8) идеалистик ва трансцендентал; 9) пассионар ва 10) цивилизацион ёндошувларга классификация қилинади.

Миллий, этносоциал муносабатларнинг генезиси, у ёки бу ижтимоий-тарихий ривожланиш босқичларида этногенетик хусусиятлари ва белгиларининг намоён бўлиши, уларнинг бир кўринишидан иккинчи кўринишга, бир этник гуруҳдан иккинчи этник гуруҳга ўтиши каби масалалар тарихий-этнографик тадқиқотларда ўз аксини топган. Уларнинг бир гуруҳида кишилар ва этносларнинг фаолияти, мавжудлиги, ривожланиши табиат, жугрофий муҳит билан айнан қаралади¹⁸. Ижтимоий ҳаёт ва этносоциал муносабатларнинг ривожланиши табиат қонунларидан келтириб чиқарилгани боис илмий адабиётларда улар танқид қилинган¹⁹. Иккинчи гуруҳ тадқиқотларда эса аксинча инсон, этнос, халқларнинг генезиси ва ривожланиши фақат социал ҳодиса, шу боис улар социал тараққиёт қонунларига бўйсундилар, деган назария илгари сурилган²⁰. Тўғри, «инсон ижтимоий махлуқ» (Аристотель), кишиларнинг уруғ, қабила, этносга бирлашиши социал тараққиёт натижасидир. Улар ушбу тараққиёт жараёнларида нафақат ўзини-ўзи идора этишни, шу билан бирга ён-атрофни, табиатни ўз мақсадларига мувофиқ ўзгартиришни ўрганди. Аммо бу социал ҳолни табиатдан, биосферадан айрича кечадиган жараён деб қараш нотўғридир²¹. Этнологик концепцияларда асосий эътибор миллат, халқларнинг тили, турмуш тарзи, урф-одатлари, фикрлаш хусусиятлари каби этник белгиларга қаратилади. Тарихий-этнографик ёндашиш нуқтаи назаридан бу тўғри, бироқ миллат, этноснинг социодинамик хусусияти тўхтовсиз, унинг ҳозир ҳам ички зиддиятлар билан ривожланаётганлигини эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

¹⁸ Қаранг: Анучин В.А. Теоретические проблемы географии. – М.: Наука, 1972; Природа и общество: Сб. статей. – М.: Наука, 1968.

¹⁹ Қаранг: Быграмов Э.А. Национальный вопрос в борьбе идей.–М.: Политиздат.1982. – С.48.

²⁰ Қаранг: Бромлей Ю.В. К характеристике понятия «этнос» //Расы и народы. Современные этнические и расовые проблемы. Ежегодник. – М.: Наука, 1971; Агеев А.Г. Народность как социальная общность. //Вопросы философии, 1965. №2; Токарев С.А. Проблема типов этнических общностей. //Вопросы философии, 1964. №2; Козлов В.И. О понятии этнической общности. //Советская этнография, 1967. №4. ва б.

²¹ Қаранг: Вернадский В.И. Избр. соч. в 6 т. Т.5. //Биосфера. – М.-Л.: Наука, 1960. – С. 8-12.

Миллатга, этносга социал-антропологик ёндашиш энди шаклланмоқда.²²

Шунинг учун социал-антропологияда миллий ва этносциал муносабатларнинг кенг масалалари ҳали тадқиқот объекти бўлганича йўқ. Бизнинг фикримизча, бу борадаги назарий изланишлар миллат ва ижтимоий воқелик, этнос ва этнослараро муносабатлар, шахс ва этник гуруҳ, этнос ва жамият, этносциал муносабатларнинг демократик жамиятдаги ўрнини ўрганишга қаратилиши зарур.

Социал-утопик қаранларнинг юзага келиши фалсафа билан теология, билим билан эътиқод ўртасидаги назарий боғлиқликнинг емирилишига, тугатилишига, ўрта асрларда пайдо бўлган хурфикрликка бориб тақалади. Ушбу хурфикрлик «фалсафада – пантеизм ва деизмда, динда – турли оқимларда, ижтимоий-сиёсий ғояларда социал-утопик қарашларда намоён бўлади»²³.

Шарқда социал-утопик қарашларнинг тарқалиши Абу Наср Форобий (873-950) номи билан боғлиқдир.

Форобий инсон, инсониятнинг келиб чиқишини теистик изоҳлашга ҳаракат қилсада, халқларда «умумий» ва ҳар бир халқнинг ўзига хос «хилқатлари» мавжудлигини инкор этмайди. «Чунки, - деб ёзади у, - ҳар бир халқ ўша нарса, ҳодисани ўзича англаб, ўзича акс эттиради»²⁴. Одамлар ўртасидаги боғланиш робиталари, - деб ёзади Форобий, - шу одамларнинг хулқ-атвори, табиати, феъли ва тилининг умумийлигига асосланади, ҳар бир халқ ўзига хос мана шундай хусусиятларга эга. Шу туфайли ҳар бир халқ вакиллари бошқа халқ вакилларига аралашиб, қўшилиб кетмаслиги керак. Чунки, турли халқлар худди ана шу хусусиятлари билан фарқланиб туради»²⁵.

Форобий, халқнинг ўзига хос белгиси унинг «яшаш жой»и, маҳалласи, ва юртида акс этади деб кўрсатади. «Одамларнинг ўзаро боғлиқлиги, - деб ёзади Форобий, - уйлари, умуман яшаш жойларининг умумийлигига асосланади. Ҳар уйдаги одамлар ўзаро яқин алоқаларда бўладилар, яна улар бир кўчада, яна бир маҳаллада яшайдилар. Шу туфайли одам аввал

²² Қаранг: Орлова Э.А. Введение в социальную и культурную антропологию. – М.: Норма, 1994; Марков Б.В. Философская антропология. – СПб, 1997; Емельянов Ю.Н. Основы культурной антропологии. – СПб, 1994; Минюшев Ф.И. Социальная антропология – М.: 1997 ва б.

²³ Қаранг: Социально-утопические идеи в Средней Азии. – Т.: Фан, 1989. -С. 14.

²⁴ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри.-Т.:А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – 168 б.

²⁵ Ўша жой. –173 б.

қўшниси билан яқин бўлади. Яна у худди шу қўшниси билан бир кўчада, бир маҳаллада, бир шаҳарда ва ниҳоят шу шаҳарни ихтиро этган бир юртда яшайди»²⁶. Деярли X аср ўтгач этнография фани Форобий кўрсатган «хилқатларни» халқ, этноснинг миллий белгилари сифатида тан олди.

Диссертацияда Фарб социал-утопистлари Томас Мор, Сен-Симон, Шарль Фурье, Роберт Оуэн, Паскуаль Манчини, У. Корнхаузер, Д. Белл, Ф.Г. Янг, У. Ростоуларнинг миллат, халқ ва жамият ҳақидаги қарашлари таҳлил қилинади. Масалан, Сен-Симон келгусида миллий чегаралар ўз қуввати ва имкониятларини йўқотиб, инсонлар ассоциациясига ўз ўрнини бўшатиб беради²⁷ деган ғояни илгари сурган. Унинг фикрига кўра, миллат ва миллий чегаралар, давлатлар маълум бир ижтимоий-тарихий босқичларда пайдо бўлган, келгусида улар умуминсоний хусусиятлар билан алмашади. Минг афсуски, дунё тарихида ушбу ғоянинг тўғрилигини тасдиқловчи бирорта мисол учрамайди.

Социологик ва социал-психологик ёндошувлар миллатлараро муносабатларнинг XX асрда чуқурлашуви ва кескинлашуви натижасида юзага келган. Бу борадаги илмий-назарий концепцияларни уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Миллий низолар қадимдан мавжуд, чунки кишилар табиатан ва ижтимоий мавқеи нуқтан-назардан тенг эмаслар. Ушбу тенгсизлик халқлар, миллатлар ўртасида ирқий тенгсизликни ҳам келтириб чиқаради.²⁸

2. Ижтимоий муносабатларда ирқий омилларга эътибор бериш ҳоллари қадимдан маълум. Масалан, эр. ав. XXV асрларда Олд Осиёдан Ҳиндистонга кўчиб борган орий қабилалари жамият ҳаётини табақаларга бўлиб бошқаришни жорий этганлар, ўзларини эса олий насл вакиллари ҳисоблаганлар. Ирқий ёндошувлар гитлерчилар Германияси ва Япония милитаристларининг ғоявий қуроли бўлган. Фр. Ницшенинг халқ, «омма даҳо шахсларнинг ёмон нусхалари»²⁹, немисларни эса метафизик фикрлашга мойил олий ирқ, деб қарагани маълум. Буюк давлатчилик

²⁶ Ўша жойда.

²⁷ Сен-Симон. Катехизис промышленников. Избр. соч. в 2-т. Т.2.–М.: Изд-во АН СССР, 1948.–С.128-132 б.

²⁸ Аберкромби И.Н., Тернер Б.С. Социологический словарь. – Казан, Казанский Университет, 1997.– С.312.

²⁹ Ницше Фр. Соч. в 2 т. Т. 1. – М.: Мысль, 1990. –С.219.

шовинизмида ҳам бошқа миллат ва ҳалқларга паст назар билан қараш таъсири мавжуд.

3. Ижтимоий воқеалар аслида этнососоциал муносабатларнинг натижасидир. Ушбу концепцияни Россияда Ю.В. Бромлей, И.С. Кон, Г.Г. Силласте, Л.М. Дробижева, Европада У. Томас, Ф. Знанецкий, Д. Рисман, АКШда З. Бзежинский ва П. Сорокин, М. Хайслер каби тадқиқотчилар илгари сурадилар. Диссертацияда уларнинг қарашлари кенг таҳлил қилинади.

Этастик концепциялар миллий ва этнососоциал муносабатларни давлатларнинг юзага келиши, ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнларида давлат тизимларининг этносоциологик муаммоларни ҳал этиши билан биргаликда қарайди.

Ушбу ёндошув у ёки бу кўринишда деярли барча назарий концепцияларда мавжуд бўлсада, уни илмий назария сифатида асослашга интилган италиялик социолог ва ҳуқуқшунос Паскуаль Манчини (XIX аср) ҳисобланади. Уни миллат ва ҳуқуқ, давлатнинг ҳуқуқий тизимларга таъсири, ушбу таъсирнинг халқ, миллат ҳаётидаги ўрни каби масалалар кизиқтирган³⁰. Ижтимоий ҳаёт ва илм-фан устидан сиёсатнинг, давлатнинг ҳукмронлик ўрнатиши билан миллат ва этнососоциал муносабатларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ҳам кенгайди.

Диссертацияда социологик ва социал-психологик ёндошувлар бирга келиши очиб берилади. Бизда мавжуд адабиётларда «ирқ» тушунчаси асосан салбий маънода ишлатилади. Лекин чет эллик тадқиқотчилар «ирқ» тушунчасини «миллат», «этнос» тушунчаларининг синоними сифатида қарайдилар. Демак, биз «ирқ», «миллат», «этнос» категорияларининг моҳиятини ўрганиб, уларга замонавий талқинлар беришимиз лозим.

Миллий, этнососоциал муносабатлар ҳақидаги тарихий-материалистик концепцияларнинг вужудга келиши Гельвеций, Монтескье, Дидро, Вольтер, Руссо, Морелли, Г. Бабеф, Д. Вико, А. Бебель, К. Маркс ва Ф. Энгельс каби мутафаккирларнинг асарларида илгари сурилган ғоялар билан боғлиқдир.

Уларнинг назарий концепцияларида миллатнинг шаклланишида унинг тили, маданияти, худудий жойлашиши, давлати, ҳатто миллий психологик

³⁰ Қаранг: Артановский С.Н. Зарубежные концепции этничности: методологические проблемы исследования истории культуры. – Л.: ЛГИК, 1982. –С. 100-107.

хусусиятлари ҳам у ёки бу йўналишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилади³¹. Улар миллатларнинг шаклланишида ва давлат атрофида бирлашишида ижтимоий-иқтисодий омиллар етакчи ўрин эгаллашини таъкидлайдилар³². Айнан ушбу иқтисодий омиллар халқлар ва миллатлардаги синфий белгиларнинг шаклланишига олиб келади, уларнинг бирлашиши эса синфий манфаатлар ва қарашлар орқали рўй беради³³. Диссертацияда ушбу гоё кейинчалик совет апологетлари томонидан кент тарғиб қилингани ва унинг миллий маданий тараққиётга зид таъсир этгани очиб берилган.

Идеалистик ва трансцендентал қарашлар миллатларнинг келиб чиқишига, уларнинг хусусиятларини очиб беришга мавҳум, гоҳо ғайрихаётий тушунчалар орқали ёндошувлар натижасидир. Ушбу қарашларда Кант идеализми ва агностицизмнинг таъсири мавжуд.

Идеалистик ва трансцендентал концепцияларга кўра келгусида «миллатлар дифференцияси» юз беради, ҳар бир «миллий ижтимо» ўзига хос характерга эга бўлиб, уларнинг ушбу белгилари бўртиб туради. Натижада «келажак ўз хусусиятларига эга миллий иттифоқлар ва ҳудудий кооперацияларнинг ранг-баранг кўринишларидан иборат бўлади».

Ушбу қарашларнинг ҳаётдан узоқлиги илмий адабиётларда танқид қилинган.

Пассионар ёндошув таниқли тарихчи, этнограф олим Л.Н. Гумилев номи билан боғлиқ. Унинг фикрига кўра, ҳар бир киши биомухитнинг таркибий қисмидир. Ушбу биомухит мавжудотларга, кишилар ва этносларга ҳам, уларнинг характери, психологияси, у ёки бу ҳолатда ўзини намоён этиш хусусиятларига таъсир этиб, уларни фаол ҳаракатга, яъни шон-шухратга, ҳудудда етакчилик қилишга, давлат, бойлик, обрў топишга чорлайди. Л.Н. Гумилев уларни «пассионарлик модулари» деб атайди.³⁴

Пассионарлик ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан ҳам боғлиқдир. Шунинг учун у бир тарихий босқичларда айрим этносларда

³¹ Қаранг: Маркс К., Энгельс. Сочинения, 2-е изд. Т.3. – С. 427.

³² Қаранг: Ўша жой. Т.8. – С. 84, 50 ва.б.

³³ Қаранг: Куличенко М.И. Нация и социальный прогресс. –М.: Наука, 1983; Федосеев П.Н. Диалектика современной эпохи. – М.: Наука, 1966; Социальная политика и национальные отношения. –М.: Мысль, 1982; Калтаханян С.Т. Марксистско-ленинская теория нации и современность. - М.: Политиздат, 1983 ва б.

³⁴ Қаранг: Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли. – М.: 1994. – С. 272.

юқори, бошқа даврда эса заиф, ҳатто сезилмайдиган даражада бўлиши мумкин.³⁵ Диссертацияда ушбу ёндашишдаги чекланганлик ҳам кўрсатилган.

Уруғ, қабила, этносларнинг келиб чиқиши ва ўзига хос хусусиятларини ўрганишга цивилизацион ёндашишни этнограф -тарихчи Л. Морган бошлаб берган. Бу борадаги назарий концепцияларнинг юзага келиши Ф. Ратцель, К.Н. Леонтев, А. Тойнби, О. Шпенглер, Н.Я. Даниловский, К. Яснерс, П. Сорокин, Э. Тоффлер³⁶ номлари билан боғлиқдир. Диссертацияда ушбу тадқиқотчиларнинг қарашлари атрофлича таҳлил қилинган.

Марказий Осиё халқлари XIX-XX асрларда аввал Чор Россияси, кейин совет империяси тазйиқида яшадилар, миллий масалаларни ҳал этишда давлатчилик, шовинистик ёндашувларга дуч келдилар.

Бошқа миллатларга ишонмаслик Чор Россияси олиб берган ички сиёсатда яққол кўзга ташланади. Масалан, Ўрта Осиё хонликлари чет эллар билан эркин иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Миллий ўлка фарзандлари армияга олинмаган, агар у ёки сабаб билан ҳарбий хизматга чақирилса, улардан миллий бўлинмалар тузиш тақиқланган.

Чор Россияси амалдорлари колониал сиёсатни, миллий ўлкалардаги халқлар саводсиз, колоқ, деган фикрлар билан оқлашга интилган. Шунинг учун ҳам расмий манбаларда Тожикистоннинг – 99,5%, Туркменистоннинг – 99,3%, Қирғизстоннинг – 98-99%, Ўзбекистоннинг - 98,5 фоиз аҳолиси саводсиз эди деган маълумотлар келтирилган.³⁷ Туркистон ўлкаси учун 1900 йили Чор ҳукумати ажратган харажатларнинг 80 фоизи ҳарбий ишларга, атиги 3,5 фоизи маорифга сарфланган, холос.³⁸ Буларнинг барчаси «Чор ҳукуматининг ҳақиқатдан ҳам «халқлар турмаси» бўлганидан далолат беради.

Совет давлати Чор ҳукуматининг миллий сиёсатини қоралаган бўлсада, бу борада ўз мақсадларини унутмади.

³⁵ Уша жой. –С.296-297.

³⁶ Қаранг: Тойнби А. Дж. Постигание истории. – М.: Прогресс, 1991.; Шпенглер О. Закат Европы. – М.: Мысль, 1991.; Данилевский Н.Я. Россия и Европа. – М.: 1991.; Ясперс К. Смысл и назначение истории. – М.: Республика, 1994.; Сорокин П. Человек Цивилизация Общества. – М.: Республика, 1992.; Toffler A. The Third Wave.- N-Y., 1980.

³⁷ Қаранг: Матюшкин Н.И. СССР – страна бывшего содружества народов. – М.: Госиздат культ. просвет. лит-ры, 1953. – С. 16.

³⁸ Қаранг: Уша жой. - С. 16.

Империяга кирган миллатлар, «халқлар ўртасидаги дўстликнинг вужудга келиши ва ривожланиши Коммунистик партия фаолияти билан боғлиқ» деган фикр кенг тарғиб қилинди. Ваҳоланки, Евроосиё ҳудудига кирган халқлар ўртасидаги алоқалар аслида эр. ав. даврларга бориб тақалади.³⁹ Эр.ав. I-минг йилликларда Марказий Осиёда Шарқда Хитой, Япония, Монголия, Жанубда Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон, Ғарбда Византия, Рим, Болқон давлатлари ва Европа билан турли халқаро алоқалар ўрнатган маданият ўчоғи, цивилизация юзага келган. Демак, Евроосиё халқлари ўртасидаги дўстлик XX асрда тузилган коммунистлар партияси фаолияти билангина боғлиқ дейиш тарихий ҳақиқатдан узоқдир.

Диссертацияда совет апологетларининг «пролетар интернационализи» қарор топди, энди СССРда «ягона совет халқи» «ягона социалистик миллат» юзага келмоқда деган қарашларнинг асоссиз бўлиб чиққани очиқ берилган.

Иккинчи боб «Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг юзага келиши ва янги этносоциал муносабатларнинг шаклланиши» деб номланади. Унда бир-бирига диалектик боғлиқ учта мавзу: 1) Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг янги босқичга ўтиши; 2) Ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик ва унинг янги этносоциал муносабатларининг шаклланишига таъсири; 3) Минтақавий этносиёсатнинг хусусиятлари, белгилари тадқиқ этилади.

Этносоциал муносабатларнинг мустақамланиши энг аввало ижтимоий-иқтисодий омилларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, ижтимоий-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш Марказий Осиё давлатлари сиёсатининг марказида турибди.

1994 йили Ўзбекистон Республикаси, Қирғизстон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Ягона иқтисодий макон тузиш ҳақида Шартнома имзоладилар. 1997 йили эса ушбу ҳамкорликни чуқурлаштириш ниятида регион аҳолисини энергетика, сув ресурслари, озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, коммуникация, минерал хом-ашёларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳалари бўйича халқаро консорциумлар тузиш ҳақида Концепция ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатда таъкидланишича, «консорциумлар ҳамкорлик ва интеграцион жараёнларни

³⁹ Гумилев Л.Н. Древние тюрки.–М.:Товарищество «Клышников-Комаров и К.» 1993.–С. 5.

чуқурлаштиришнинг самарали инструменти, мавжуд ва чет эл моддий-техника ресурсларини муҳим соҳаларга жалб этиш, проект катнашчиларининг кучларини идора этишни таъминлашга қаратилгандир».⁴⁰

Марказий Осиё республикалари ўртасидаги интеграцион алоқалар улардаги қўшма корхоналарда ҳам ўз аксини топади. Ҳозирги кунда Қозоғистон Республикасида 48 қозоқ-қирғиз, 10 қозоқ-тожик, 92 қозоқ-ўзбек, Қирғизстон Республикасида 197 қирғиз-қозоқ, 8 қирғиз-тожик, 62 қирғиз-ўзбек, 1 тожик-қозоқ-ўзбек, Ўзбекистон Республикасида эса 38 ўзбек-қозоқ, 22 ўзбек-қирғиз, 15 ўзбек-тожик қўшма корхоналари ташкил этилган.⁴¹

Иқтисодий интеграцияни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ҳамкорлик ва ривожлантириш Марказий Осиё банки ҳозир 21 йирик ишлаб чиқариш корхоналарини маблағ билан қўллаб-қувватламоқда. Улар ичида 5,5 млн. доллар қимматидаги табиий уран ишлаб чиқарувчи Алмати «Қазатомпром» Акционерлик жамияти, 2 млн. АҚШ доллари турадиган электр энергиясини ўлчовчи счётчик ишлаб чиқарувчи Бишкекдаги «Жанар» акционерлик жамияти, Чкаловск шаҳридаги (Тожикистон) «Востокредмет» ишлаб чиқариш бирлашмаси (2,0 млн. АҚШ доллари), Тошкентда кути-картонлар ишлаб чиқарувчи акционерлик жамиятлари (3,4 млн. АҚШ доллари) бор.

Банк томонидан жами Қозоғистонга 9,439 млн., Қирғизстонга 6,98 млн., Ўзбекистонга 9,033 млн., Тожикистонга 6,3 млн. АҚШ долларида маблағ ажратилган.⁴²

Иқтисодий алоқаларни жонлантириш масалалари Қозоғистон Республикаси, Қирғизстон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат раҳбарларининг 2001 йил 28-29 декабрь Тошкент саммитида муҳокама қилинди ва унда ушбу алоқалар давлатлар имконияти ва салоҳияти даражасида эмаслиги таъкидланди. Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти (МОИХ) Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилотига айлантирилди ва ушбу ташкилот зиммасига кенг вазифалар юклатилди.⁴³ Ушбу Ташкилот 1993 йилдан бери давлатлар ҳаракат қилиб келаётган бир-

⁴⁰ Концепция о принципах взаимодействия Республики Казахстан, Кыргызской Республики и Республики Узбекистан по созданию международных консорциумов //Сборник документов и материалов. Вып. 9. – Бишкек, 1998. – С. 84.

⁴¹ Қаранг: Ўша жойда. - С. 222.

⁴² Қаранг: Ўша жойда. - С. 172-175.

⁴³ Қаранг. Халқ оғзин, 2000, 29 декабрь.

бирига яқин ҳудудларда очик савдо сотик зоналарини ташкил этиш ғоясини ҳам рўёбга чиқариши лозим, бунинг учун энг аввало кластер конунлари ўрганилиб, уларни ҳудудий интеграция жараёнларига тадбиқ этиш концепцияси яратилиши керак.

Кластер – боғлам, тутам, пакет деган маъноларни англатиб, ижтимоий-иктисодий адабиётларда турли маърифий, миллий, ташкилий уюшмаларга, шу жумладан, давлатларга ҳам қарашли ишлаб чиқариш, саноат тармоқларини ҳудудий манфаатлар ва эҳтиёжларга мувофиқ индустриал комплексга бирлаштириш усули сифатида қаралади.⁴⁴

Кластер ҳудуд жуғрофий имкониятларига, аҳоли ва корхоналар агломерацияси конунларига таяниб, ҳудуд ва регион ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиради. Тажриба кўрсатадики, моноцентристик агломерациялар, ижтимоий-иктисодий тараққиёт нуқтаи назаридан, ҳар доим ҳам регион ривожланишини таъминлайвермайди. Натижада нафақат ижтимоий-иктисодий, шу билан бирга этнососоциал муносабатларда ҳам кескинлик юзага келади. Масалан, айрим бир ҳудуд, айниқса кварталларнинг, маҳаллаларнинг кенг ривожланиши кўпинча «бадавлат маҳаллалар» ёки «фалон этник гуруҳ яшайдиган маҳалла» сифатида қабул қилинади. Худди шундай ёндашиш бозор иқтисодиёти шароитида, аҳоли ўртасидаги страфикацион бўлинишнинг, табақаланишнинг кенг тарқалган пайтида ривожланган шаҳарларга нисбатан ҳам қўлланилади. Шунинг учун ҳам ҳудудлар инфраструктурасини шакллантиришда, регионнинг умумий мақсадларидан келиб чиқиб, полицентрик агломерацияларни юзага келтириш мақсадга мувофиқдир.⁴⁵

Полицентрик агломерацияларнинг Марказий Осиё давлатларининг чегараларидаги ҳудудларда шаклланиши учун зарур объектив шарт шароитлар мавжуд. Андижон-Ўш, Бухоро-Чоржўй, Урганч-Тошауз-Нукус, Фарғона-Хўжанд полицентрик шаҳарлар мавжуд ҳудудларда энгил саноатни, маиший хизмат турларини, туризми, ҳунармандчиликни, Чирчиқ-Шимкент, Талас-Тараз полицентрик шаҳарлар эса машинасозлик, оғир саноат, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кластер асосида ривожлантириши мумкин.

⁴⁴ Қаранг: Cluster specialisation patterns and innovation styles. Den Head, 1988, p. 5.; Попрег М. Международная конкуренция. – М.: Экономика, 1993. – С. 9-11.

⁴⁵ Қаранг: Romer P. Endogenous Technological Change. – Journal of Political Economy, 94(1), 1990, pp. 74-100; Camagni R.P. and Guevit M. Innovation Policies at Local Level. QREMI. Departement Cambridge, 1991. ва б.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, кластер янги соҳаларни юзага келтиришни, ҳудуд таракқиёти ва аҳоли эҳтиёжи учун зарур хизмат турлари комплексини яратишни ҳам назарда тутати. Масалан, Асака автоқўшмакорхонасини Тожикистон, Қирғизстон ҳудудларига кирган бутун Фарғона водийси учун кластер марказига айлантурса бўлади. Ушбу машинасозлик соҳаси ҳудуд учун кластер қонуниятларига мос келадиган янгилик, инновациядир.

Кластер тўғридан-тўғри этнососоциал муносабатларни ҳал этиш билан шуғулланмайди, фақат у ҳудуддаги функционал яқин аммо турли манфаатларни, қизиқишларни ифода этувчи фирмалар, корхоналар, уюшмалар фаолиятини диверсификация қилади. Яқин ўтмишда иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаёти уйғун кечган, умумий идеологик установкалар билан яшаган халқлар, элатларнинг объектив шароитлар боис ҳудудий-эстатистик бўлиниши, улар ўртасида давлат чегаралари ва божхоналарнинг пайдо бўлиши кишилар онгида, руҳиятида салбий фикрларни уйғотаётган бир пайтда кластер усулидан фойдаланиш ижобий аҳамиятга эга. Бозор иктисодиёти фирмалар, корхоналар, ҳудудлар ўртасида рақобатда ишлаш ва яшаш тарғиб қилар экан, у беихтиёр этник гуруҳлар ўртасида ҳам зиддиятларни уйғотади. Тадқиқотлар кўрсатадики, полиэтник давлатларда титул миллатнинг кичик элатлар, этник гуруҳлар ва камсонли халқларни ўз миллий манфаатларига хизмат эттиришга интилиши мудом сақланиб қолади.⁴⁶

Матълумки, кичик этник гуруҳларда ижтимоий эҳтиёжларни тез илғаб, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш кучли бўлади. Бу этнопсихологияда «этник муҳофаза» ёки «этник гуруҳларнинг ўзини-ўзи ҳимоя қилиши» дейилади.⁴⁷ Демак, кластер ҳудудлардаги рақобатдош ишлаб чиқариш субъектларини индустриал комплекс тарзида бирлаштирар экан, ана шу ҳудудларда этнососоциал гуруҳларни, уларнинг манфаатларини ҳам бир-бирига диверсификациялаштиради.

Марказий Осиёда собиқ иттифокдан кейинги этносиёсатнинг шаклланиши уч босқични ўз ичига олади.

I-босқич. Марказий Осиё давлатларининг мустақиллигини жаҳонга тан олдириш ва сиёсий-ҳуқуқий замин тайёрлаш билан боғлиқдир. Бу босқичда

⁴⁶ Қаранг: Померанц Г. Кто такие чужаки // Психология национальной нетерпимости: Хрестоматия. – Мн.: Харвест. – С.48-58.

⁴⁷ Қаранг: Кон И. Психология предрассудка // Психология национальной нетерпимости: Хрестоматия. – Мн.: Харвест. 1998. – С. 5-47.

(1991-1993) мустақил давлатлар халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида тан олинди, улар ўз ички ҳаётининг сиёсий-ҳуқуқий негизларини юзага келтирдилар.

II-босқич. Марказий Осиё давлатлари ўртасида регионал иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг юзага келишини ва Давлатлараро Кенгашининг, кейин эса Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотининг тузилишини ўз ичига олади. Бу даврни 1994-2001 йиллар билан белгилаш мумкин.

III-босқич. Ривожланган бозор муносабатларига ўтиш (2001 ва ундан кейинги даврлар) жараёнлари билан боғлиқдир. 2001 йил 28-29 декабр кунлари Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммитида, «маданияти ва санъати бир-бирларига муштарак халқларнинг ўзаро алоқалари қониқарсиз эканлиги қайд этилиб», регионда нафақат иқтисодий, шу билан бирга «ҳар жабҳада», шу жумладан, этнососиал масалаларда ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигига келишиб олинди.⁴⁸

Этносиёсатнинг шаклланиши миллий (худудий) ва минтақавий (регионал) манфаатлар билан бевосита боғлиқдир. Агар миллий манфаатлар бир давлатда яшовчи халқларнинг истак, хоҳиш ва интилишларини ифода қилса, регионал манфаатлар икки ёки ундан кўн давлатларга қарашли худудларда яшовчи жуғрофий-худудий жойлашиши, ижтимоий-иқтисодий инфраструктураси ва тарихий ўтмиш яқин халқларнинг қизиқишларини акс эттиради.

Миллий (худудий) ва регионал (минтақавий) манфаатларни ўз ичига олган этносиёсат ўзининг мақсади, функцияларига, объект ва субъектларига, келиб чиқиш манбаларига, вақт ва маконда намоён бўлиш хусусиятларига, характерига ҳамда йўналишларига эга.

Демак, этноманфаатларни бошқариш ва уйғунлаштириш этносиёсатнинг бош мақсади ҳамла провард натижасидир. Бироқ этносиёсат йўл-йўлакай бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Уларни миллий низоларни бартараф этиш, миллий мулоқотларни шакллантириш, этномаданий алоқаларни кенгайтиришга классификация қилиш мумкин. Ушбу вазифалар давр ва ижтимоий-тарихий жараёнлар қўядиган талабларга мувофиқ ўзгариб туради. Масалан, энди шаклланаётган миллий давлатлар халқлари

⁴⁸ Марказий Осиё: кеча, бугун, эртага //Халқ сўзи. 2001, 29 декабр.

ўртасидаги ижобий тарихий-маданий алоқаларни сақлаб қолиш ҳозир Марказий Осиёдаги этносиёсат олдидаги энг муҳим вазифадир.

Минтақавий этносиёсатда ҳозир Шаркцентризми, Европоцентризм ва Евроосиё йўналишлари кўзга ташланади.

Шўролар даврида Марказий Осиёда Европоцентриқ қарашлар кенг тарғиб қилинди. Ушбу ҳодисанинг нафақат салбий, шу билан бирга ижобий томонлари ҳам мавжуд. Бироқ совет тоталитар тузумининг емирилиши билан Марказий Осиё ўзини Шарқ эканлигини эслаб, шарқона анъаналарини, урф-одатлар ва удумларини, тарихий-маданий қадриятларни тиклашни ўз сиёсатига айлантирди. Биз тарихга, - деб ёзади Тожикистон Республикаси Президенти Э. Раҳмонов, - ўзимизга ўзимиз маҳлиё бўлиш учун эмас, балки аجدодларимизнинг яратувчанлик руҳини тиклаш, ота-боболаримиз хотирасини абадийлаштириш учун мурожаат этамиз. Шубҳасиз, ҳақиқий миллий ўзини-ўзи англашнинг бош манбаларидан бири ўз калкининг қаҳрамонона ўтмишига мурожаат этиш, аجدодлар тарихий меросини сақлаш ва миллатнинг буюк фарзандлари хотирасига авайлаб муносабатда бўлишдир».⁴⁹

Маълум бир сабабларга кўра инкор этилган тарихий-маданий анъаналарни, ноҳақ унутилган шахсларнинг номларини тиклаш жамиятнинг покланишга йўл тутганидан далолат беради. Бироқ ижтимоий тараққиётга кечаги ютуқларни кўз-кўз қилиш, ўтмишда эришилган ютуқларни бугунги муаммоларни ҳал этишдан юқори қўйиш билан эришиб бўлмайди. Хеч қандай ютуқ бугун ва келажак талабларидан юқори қўйиб баҳолаши мумкин бўлмаганидек, хеч қандай тажриба кўр-кўрона, танқидий ёндашмасдан қабул қилиниши ҳам мумкин эмас.

Европоцентриқ қарашлар деярли барча республикаларда тарқалган. Ғарб маданияти, санъати ва турмуш тарзи этнослар ҳаётида, этнососоциал муносабатларда чуқур илдиз отмоқда. Ғарб давлатларидаги илмий-техник тараққиёт, уларда очик жамият қуришда тўпланган тажрибалар, демократик тамойилларга тўла амал қилишга ингилиш, шахсга ижодий кучларини намоён қилиш учун старли имкониятлар яратилгани, ҳаёт кечирини даражасининг юқорилиги Европоцентриқ қарашларини ва Ғарб турмуш тарзини мафтункор қилаётган омиллардан хисобланади. Шунинг учун улар

⁴⁹ Эмомали Раҳмонов. Таджики в зеркале истории. Книга первая от аррийцев до саманидов. London & Flint River Editions Great Britain, 2000. -С. 125.

этнослар, халклар ҳаётига, этносоциал муносабатларнинг шаклланишига таъсир этмаслиги мумкин эмас.

Этносоциал муносабатларни йўлга қўйишда Шарқий ва Ғарбий ёндашувлар нафақат назарий изланишларда, шу билан бирга кундалик ҳаётда ҳам ҳали сақланиб қолади. Айниқса жаҳон тараққиётида маънавий омил ўрнининг ортиб бориши билан Шарқ ва Ғарб кадрятлари ўртасида нафақат мутаносиблик кучаяди, шубҳасиз, улар ўртасидаги фарқларни, тафовутларни излашга интилиш ҳам ошади. Чунки инсоният тарихи нафақат халқлар, миллатлар, этнослардаги умумий жиҳатларни излашдан, шу билан бирга бир-бирларини фарқлайдиган тафовутларни ҳам излаш тарихидан иборат бўлиб келмоқда.³⁰

Евросиё йўналишини Қозоғистон, баъзи ҳолларда Тожикистон қўллаб-қувватламоқда. Бу йўналиш аслида собиқ СССР халқлари ўртасидаги этник низоларни ҳал этишга қаратилган академик Андрей Сахаров таклиф этган Евросиё Иттифоқини тузиш ғоясидан келиб чиқади.³¹ Ушбу ғояни ҳозир Қозоғистон Президенти Н.А. Назарбоев илгари суради.³²

Регионал этносиёсат Марказий Осиёдаги титул миллатлар манфаатларинигина эмас, балки барча миллат ва элатларнинг, шу билан бирга рус тилида гапирувчи халқларнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилади. Агар этносиёсатда Европа маданиятига яқин халқларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш расмий тан олинган Евросиё Иттифоқи юзага келса, ушбу ғоя тарғиботчиларининг фикрига кўра, русларни Марказий Осиёда сақлаб қолиш имконияти кенгайди ва этник низоларни тўла бартараф этиш мумкин бўлади.

Этносоциал муносабатларни ҳал этишда Қирғизстон универсал йўналишдан бормоқда. Бу йўналишнинг моҳияти жаҳон халқлари ҳаётида қўлланилаётган барча позитив анъаналарни ўрганиш, миллий, этник муносабатларни ҳал этишда полиэтник жамиятларнинг стандартларига таяниш, барча институтларни ўзини-ўзи бошқаришга тортишдан иборатдир. Универсал йўналиш сиёсий плюрализмни шакллантираётган

³⁰ Каранг: Гумилев Лев. Психологические несходство этносов //Психология национальной нетерпимости. – Мн.: Харвест. 1998.- С. 62-71.

³¹ Каранг: Сахаров А. Мир, прогресс, права человека. (Статьи и выступления). – Л.: Сов. писатель, 1990. – С. 30-31.

³² Каранг: Назарбоев Н. Верю, что будущем мы вернемся к идее Евразийского Союза //Независимая газета, 1999, 26 октября.

институтларнинг фаоллигига таянади, уларнинг дастурларини умумхалқ манфаатлари билан уйғунлаштиришга интилади.

Евросиё ғоясининг маълум бир таъсирлари Тожикистонлик тадқиқотчиларнинг изланишларида ҳам кузатилади. Тўғри, бу тўғрида республика ҳукумати ўз позицияларини расман эълон қилган бўлмасда, Тожикистоннинг Россия билан алоқалари, айниқса миллий масалаларини ҳал этишда ҳамкорлик қилишга интилиши кенгдир.⁵³

Юқоридаги йўналишлар бир-бири билан ўзаро алоқадорликда мавжуд бўлади. Ҳатто этносотиал муносабатларни ҳал этишда традиционализм йўналишига мойил Туркменистон ҳам жаҳон ҳамжиҳатлиги, халқаро ташкилотлар таъсирида Европоцентриқ йўналишларни қўллашга мажбур. Диссертантнинг фикрича, Марказий Осиё давлатлари учун Европа Иттифоқи ўрнак бўлиши мумкин. Европа Иттифоқи ҳақидаги Битимда қўйидагилар акс этган:

1. Ҳар бир Иттифок-Қатнашчининг фуқоролари ўз навбатида Иттифокқа кирган давлатларнинг ҳам фуқораларидир.
2. Ҳар бир Иттифок-Қатнашчининг фуқоролари ўз навбатида Европарламентга ёки Иттифокқа кирган давлат маҳаллий органларига ўз номзодларини қўйиши, сайлаш ва сайловда иштирок этишлари (1994 йилдан бери) мумкин.
3. Иттифок-Қатнашчи чет элларда бўлганида сиёсий ҳимоя сўраб Европа Иттифоқи омбудсменига ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.⁵⁴

Учинчи боб «Марказий Осиёда этносотиал муаммолар ва уларнинг замонавий ечимлари» деб аталади. Унда минтақадаги ижтимоий-демографик вазият, миграция, ишсизлик, миллий ва ижтимоий низолар каби муаммолар этносотиал муносабатлар нуқтаи назардан тадқиқ этилади. Ушбу муаммоларнинг асосий негизлари аниқланиб, уларни ечиш йўллари белгиланади.

Марказий Осиё минтақасида ҳозирги кунда 55 миллиондан зиёд киши яшайди. Козоғистонда, 2000 йилги маълумотларга кўра, - 14,9 млн, Қирғизстонда - 4,9 млн, Тожикистонда - 6,2 млн, Туркменистонда - 6,0

⁵³ Қаранг: Дадабоева З. Перспективы интеграции Республики Таджикистан в евразийское сообщество. //Проблемы устойчивого развития Таджикистана. - Душанбе, 1998. - С. 41.

⁵⁴ Қаранг.: Wise M.; Gible R. Single Market to Social Europe: the European Community in the 1990. Essex, 1993. P. 309-310.

млн, Ўзбекистонда эса 24,6 млн. киши яшайди.⁵⁵ Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2025 йилга бориб Қозоғистон аҳолиси 21,7 миллион, Қирғизстон аҳолиси 7,1 миллион, Тожикистон аҳолиси 11,8 миллион, Туркменистон аҳолиси 6,7 миллион, Ўзбекистон аҳолиси 37,7 миллион кишига етади.⁵⁶ Демак, деярли йигирма йилдан кейин Марказий Осиёда табиий ўсиш натижасида 85 миллионга яқин киши яшайдиган бўлади. Агар Марказий Осиё давлатлари ўз олдига қўйган ижтимоий-иқтисодий дастурларни муваффақиятли амалга оширсалар, минтақага чет эллардан, айниқса аҳолиси кўп Хитой ва иқтисоди қолоқ Афғонистондан кўчиб келувчиларнинг сони ошади. Ҳозирнинг ўзидаёқ Қирғизстонда 0,5 миллионга, Қозоғистонда 270 мингга яқин Хитой фуқаролари яшайди. Айрим фикрларга кўра, келгусида Марказий Осиёга чет эллардан 4-7 миллион киши кўчиб келиши натижасида минтақа аҳолиси 90 миллиондан ошади. Агар ҳозир МДХнинг ҳар тўртдан бир фуқароси Марказий Осиё ва Закавказьеда яшайётган бўлса, 2025 йилга келиб, бу кўрсаткич учдан бирга кўтарилади.⁵⁷

Ўтказилган этноссоциологик тадқиқотлар бугун Марказий Осиё халқларида уруғ-аймоқ, миллий оила доирасида яшашга интилиш кучли эканлигини кўрсатади. Масалан, «Қизилгиз қайси миллат вакилига турмушга чиққан?» деган саволга қирғизларнинг (420 киши, жами респондентларнинг 16,3%) 17,3% - ўзбекларга, 11,5% - тожиқларга, 6,0% - қозоқларга деб жавоб беради. Жавоблар ичида 9 та респондент «рус, европалиқларга» деб ҳам жавоб берган. Демак, 35,1% респондентларнинг қизлари бошқа миллат вакиллари билан турмуш қурган. Бироқ навбатдаги савол натижаларида респондентларнинг ўз миллати, уруғ-аймоғи билан яшашга интилиши интернационал оила тузишдан юқори келади: «Ўғилгиз қайси миллат вакилига уйланишини истайсиз?» деган саволга респондентларнинг 89,5% - қирғизларга, 6,5% - ўзбекларга, 0,5% - тожиқларга деб жавоб берган. Демак, интернационал оила қуришга интилиш 35,1%дан 7%га тушган.

Этносоциал муносабатларга миграция ҳам таъсир этади. Миграция асосан ижтимоий-иқтисодий ва миллий муаммолар билан боғлиқдир.

⁵⁵ Қаранг: Топилин А. Демографический потенциал стран Закавказья, Центральной Азии и общий рынок труда СНГ //Центральная Азия и Кавказ. Общественно-политический журнал. 2000, №3 (9).- С. 178.

⁵⁶ Қаранг: Уша жойда.

⁵⁷ Қаранг: Уша жойда.

Тажриба кўрсатадики, кам ривожланган ҳудуд ва мамлакатлардаги иқтисодий шарт- ароитларнинг етарли эмаслиги; ишсизлик ва миграцияни келтириб чиқаради.

Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг асосий қисми (67 % яқини) қишлоқ жойларда яшайди. Қишлоқларда ўтказилаётган ислоҳотлар эса ҳали сезиларли натижалар берганича йўқ. Қишлоқда оғир қўл меҳнатининг сақланиб қолаётгани, ижодий салоҳиятни ривожлантириш имкониятларининг камлиги ҳамда меҳнатга яраша ҳақ олишнинг қийинлиги ёшларни шаҳарларга кўчишга мажбур қилмоқда. Айниқса марказий шаҳарлар аҳолиси қишлоқ миграцияси ҳисобига тез кўпайиш хусусиятига эга. Диссертант бир-бирига диалектик боғлиқ икки муаммони ҳал этиш зарур деб ҳисоблайди. А). Қишлоқдаги ислоҳотларни тезлаштириш. Энг муҳими қишлоқ инфраструктурасини шакллантириш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни ўз меҳнатига яраша ҳақ олишини йўлга қўйиш, касб-корга ўргатиш, қишлоқ маданий ҳаётини ривожлантиришга қаратилган махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиб, уларни жорий этишдир. Тўғри, қишлоқ ислоҳотлари айрим республикаларда, масалан, Қирғизстонда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бироқ тажриба кўрсатаёптики, қишлоқ аҳолисига фермер хўжаликлари тузишга, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланишга имкон берадиган ижтимоий-ҳуқуқий базани яратиш ҳали камлик қилади. Қишлоқ аҳолисини, айниқса ёшларни, ижтимоий меҳнатга жалб этишнинг кенг механизмлари ва дастурлари ишлаб чиқилиб, улар инвестициялар билан махсус қўллаб-қувватланиши лозим. Б). Қишлоқ ёшларининг шаҳарларга келиши ва шаҳарларда қолишга интилиши бундан кейин ҳам давом этади. Аммо ушбу жараёнлардан қишлоқ ёшларининг интеллектуал ва ижодий тараққиёти нуқтан назаридан фойдаланиш, уларда янги ғоялар, фикрлар ва кўникмалар билан ўз қишлоқларига қайтиш ниятини ҳам уйғотиш керак. Шаҳарларга келаётган қишлоқ ёшлари асосан бутун бозорларда савдо-сотик, ёлланма меҳнат билан шуғулланиб қолмоқда. Демак, қишлоқ миграцияси бўйича махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилиши зарур. Ушбу дастурларда Марказий Осиёда меҳнат бозорини яратиш, уни кенг миқёсда амалга оширувчи ва йўлга қўйиб боровчи регионал аҳамиятга эга махсус институт яратиш назарда тутилиши керак. Худди шунингдек, ушбу дастурларда этник гуруҳларнинг меҳнат миграцияси

доимо ўрганиб борилиши, уларни иш билан таъминлаш механизмлари яратилиши ҳам зарур.

Бундан ташқари, нодавлат секторининг ривожланиши янги йўналишдаги касб-кор эгаларини, мутахассисларни ҳам меҳнат майдониغا олиб чиқмоқда. Ушбу мутахассисларни тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш бир давлат вазифаси бўлибгина қолмай минтақавий характер касб этмоқда. Шунинг учун транснационал корпорациялар ва корхоналар яратишга эҳтиёж катта. Бу ўз навбатида Марказий Осиёдаги этнососиал муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Кўшма транснационал корпорациялар майда ва ўрта корхоналар ўртасидаги албақаларни кучайтириб қолмай, янги-янги иш ўринларини ҳам яратишга олиб келади.

Этнососиал муносабатларнинг кескинлашишига, титул миллат сонининг ошиб бориши эмас, балки мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият ва ишсизлик кўпроқ таъсир этади. Масалан, Қозоғистонда ўтказилган президент ва парламент сайловларидан кейин бошқа миллат вакиллари миграциясининг кучайиши кузатилган. Демократияни ўзбошимчалик билан талқин этиш, парламентга ўз одамларини ўтказишга ҳаракатлар, давлат идораларида, айниқса бошқаришида, бошқа миллат вакилларининг кескин камайиши этнососиал муносабатларни кескинлаштириб, миграциянинг ошишига сабаб бўлган. Демак, том маънодаги демократияни шакллантирмай, инсон ҳуқуқлари талабларига тўла итоат этишни таъминламай туриб, этнососиал муносабатларни барқарорлаштириш кийин.

Диссертацияда бир-бирига боғлиқ миллий ва ижтимоий низолар: 1)худудий, 2)миллий, 3)фуқаролараро, 4)конфессиялараро, 5)этномаданий, 6) сецессион, 7) геосиёсий, 8) ижтимоий-иқтисодий кўринишларга классификация қилинади. Уларнинг ҳар бири этнососиал муносабатлар нуқтаи-назаридан таҳлил қилинади.

Диссертацияда этнососиал муносабатларни кескинлаштирувчи сабаблар қанча кўп бўлмасин, уларни мустаҳкамлашга ёрдам берувчи восталар ҳам шунча кўп деган фикр асосланган. Бунинг учун:

А) Тоталитар тузум даврида йўлга қўйилган хатоларни (бошқа давлатлар ерини куч билан тортиб олиш, элатларни ўз тарихий ватанидан кўчириб юбориш ва уларга бошқа элатлар ерини бериш, тарихан тақдири бир бўлиб келган халқлар, этносларни бир неча сиёсий уюшмаларга, давлатга ўзбошимчалик билан бўлиб юбориш ва б.) очик тан олиш;

Б) Ушбу ҳатоларни баргараф этиш учун ана шу ҳудудларда очик савдо-сотик зоналари, визасиз кириб-чиқишни йўлга қўйиш;

В) Ушбу ҳудудларда яшаётган халқлар учун қўшфуқаролик тартибини қабул қилиш ҳақида ўйлаб қўриш лозим.

Диссертацияда маданий-гуманитар анъаналар ва алоқалар этнососоциал муносабатларни мустаҳкамлашнинг энг муҳим йўлларида бири сифатида тадқиқ этилади. У қуйидаги йўналишларда қаралади:

- халқаро савдо-сотик муносабатлари маданиятини, халқаро муносабатлар маданиятини ва замонавий, тарихий маданиятни шакллантириш;
- халқ маданиятини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик;
- диний маданият борасидаги анъаналар;
- тил маданиятини шакллантириш;
- маориф, таълим ва мутахассислар тайёрлашдаги ҳамкорлик;
- экологик маданиятни ривожлантириш борасидаги алоқалар;
- информация ва илмий изланишлар соҳасидаги тажриба алмашишлар;
- фуқаролик жамияти ва умумий ҳуқуқий-маданий макон яратиш.

Хулосала ўтказилган тадқиқотларга яқун ясаиб, Марказий Осиё минтақасида этнососоциал муносабатларни мустаҳкамлашга оид тавсиялар берилган.

III. Диссертациянинг асосий мазмуни муаллифнинг қуйидаги илмий ишларида ўз ақсини топган.

I. Монография қўлланма, рисола.

1. Демократик тараққиёт ва миллий муносабат. - Душанбе, «Ирфон», 1999. - 8 б.т.
2. Зиёлилар ва уларнинг демократик жамият қуришдаги мавқеи. - Душанбе, «Ирфон», 2000. - 5 б.т. (ҳаммуаллифликда)
3. Ижтимоий адолат ва миллий муносабат. - Хўжанд, 1995. - 6 б.т.
4. Ўтиш даврида миллий муносабат ва ижтимоий адолат муаммолари. - Хўжанд, 1996 - 6 б.т.
5. Актуальные проблемы современного общественного развития. - Душанбе, «Ирфон», 1997. - 5 б.т.
6. Самая благородная наука. Хўжанд, 1994.- 3 б.т.

7. Сиёсатшунослик фанининг бугунги долзарб муаммолари. Душанбе, «Ирфон», 1999.- 4 б.т., (хаммуаллифликда)
8. Ижтимоий тараққиётнинг долзарб муаммолари. – Душанбе, «Ирфон», 1997. - 4 б.т.
9. Сиёсатшунослик. Ҳуқуқ қўлланма. Хўжанд, 1998. – 5 б.т.
10. Политология. Учебник. Душанбе, «Шарқи Озод», 2002. – 13 б.т.
11. Сиёсатшунослик. Дарслик. Душанбе, «Шарқи Озод», 2002. –10 б.т. (хаммуаллифликда)
12. Краткий словарь по политологии. Қўлланма. Душанбе, 1999. – 155 б. (хаммуаллифликда)
13. Социальная политика: сущность и основные направления. /Основы политологии. Хўжанд, 1996.- 1.0 б.т.

II ОАК талаб қилган журналларда нашр этилган мақолалар:

14. Маънавият ва кадрият. //Гулстон, 2001, 4 сон. - 0,2 б.т.,
15. Қўп партиявийлик мезонлари. //Ҳаёт ва қонун, 2002,1 сон. - 0,2 б.т.
16. Ватан ягонадир, Ватан биттадир. //Жамият ва бошқарув, 2002, 2 сон – 0,2 б.т.
17. Мустақиллик мероси ёки кадрият //Мулоқот, 2002, 2 сон - 0,3 б.т.
18. Закон кластера и экономический прогресс. /Хозияства и права, 2003, № 2. - 0,2 б.т.
19. Ижтимоий иқтисодий ҳамкорлик ва этнососиал муносабатлар. //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2003, 10 сон – 0,3 б.т.
20. Ҳамкорлик тараққиёт гарови. //Мулоқат, 2003, 6 сон, 0,3 б.т.
21. Роҳҳои кўҳнаи ҳалии масъалаҳои милли ва муаммоҳои нави он. //Хўжанд, 5 сон, 1999. - 0,3 б.т.
22. Мақоми арзишҳои милли ва маънавий дар тақомули муносибатҳои баёнимилли. //Паёми ДДХБСТ №1, Хучанд, 2000, 0,3 б.т.,
23. Маргиналы или отношение на старую тему: «культурные гибриды. //Паёми ДДХБСТ, № 2-3, Хучанд, 2001. 0,3 б.т.
24. Миллат ва миллий муносабатлар ҳақида илмий ва назарий концепциялар.// Соғлом авлод учун, 2003 10 сон, 0,3 б.т.
25. КНП и ее роль в реализации концепции национального примерение в Таджикистане. //Паёми ДДХБСТ, № 3-4 Хучанд, 2002. 0,3 б.т.

26. Основные причины конфликта в Таджикистане. //Паёми ДДХБСТ №1-2, Хучанд, 2002. -0,3 б.т.

III. Илмий журнал ва гўлламларда чоп этилган мақолалар:

27. Расстановка и соотношение социально-политических сил в Таджикистане. /Диалектика единства и противоречивости социально-политического развития Республики Таджикистан. – Хўжанд, 1993. 0,3 б.т.,
28. Сиёсат ва дин. /Диалектика единства и противоречивости социально-политического развития Республики Таджикистан. – Хўжанд, 1993. 0,4 б.т.,
29. Кўппартиялик ижтимоий ҳаётни демократлаштиришни муҳим шарт. /Социально-политические отношения как объект политики. – Хўжанд, 1993. 0,3 б.т.,
30. Сиёсий маданият ижтимоий, ҳодиса сифатида. /Социально-политические отношения как объект политики. – Хўжанд. 1993. 0,2 б.т.,
31. Многообразие форм собственности материальная основа изменений социальной структуры общества. /Социально-политические отношения как объект политики – Хўжанд, 1993. 0,4 б.т.,
32. Соотношение и перспективы развития политических сил в Таджикистане в условиях общенационального кризиса. /Актуальные проблемы философии, политологии и теории культуры – Хўжанд, 1993. 0,5 б.т.,
33. Социальная справедливость и проблемы совершенствования межнациональных отношений. /Актуальные проблемы методик и теории политологии – Хўжанд, 1994. 0,3 б.т.,
34. Ижтимоий адолат ғоясини вужудга келиши ва ривожданиш жараёни. /Актуальные проблемы методик и теории политологии – Хўжанд, 1994. 0,3 б.т.,

IV. Маъруза, тезислар.

35. Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва амалий тенглигини таъминлаш ижтимоий адолат омиллари сифатида. /Актуальные проблемы теории и методик политологии – Хўжанд, 1995. 0,4 б.т.,

36. Ижтимоий адолатни расмий сиёсат даражасига кўтариш муаммолари. /Макоми сиёсатшуноси дар демократикунони чараёни тахсил – Хўжанд, 1996. 0,4 б.т.,
37. Марказий Осиё давлатлари мустақиллигини мустақкамлашнинг айрим масалалари. /Макоми сиёсатшуноси дар демократикунони чараёни тахсил – Хўжанд, 1996. 0,4 б.т.,

Резюме

докторской диссертации на тему: «Этносоциальные отношения в Центральной Азии: теория, проблемы, решения».

Актуальность темы диссертационного исследования определяется, прежде тем, что данная проблема до сегодняшнего дня оставалась вне поля зрения исследователей. В жизни независимых Центральноазиатских государств происходят огромные изменения, каждое государство развивается по пути собственные модели которые сказываются на международные отношения и социально-политическую ситуацию в Центральной Азии. В диссертации предпринята попытка раскрыть сущность этносоциальных отношений в Центральной Азии, анализируются их формы, современные тенденции и определяются пути укрепления добрососедства, дружбы и мира в регионе.

Во введении обосновывается актуальность темы исследования, определяются его объект, предмет, цель и задачи.

В первой главе – «Научно-методологические вопросы национальных и этносоциальных отношений» – рассматриваются основные научно-теоретические концепции по данной проблеме, проводится их социально-философский анализ с точки зрения современной науки. Диссертант разделяет их на следующие направления: 1) историко-этнографической и этнологические; 2) социально-антропологические; 3) социально-утонические; 4) социологические и социально-психологические; 5) этатистические; 6) националистические, расовые; 7) историко-материалистические; 8) идеалистические и трансцендентальные; 9) пассионарные; 10) культурно-цивилизированные концепции.

Во второй главе – «Образование новых независимых государств Центральной Азии и формирование новых этносоциальных отношений» – изучаются социально-политические и этносоциальные ситуации до 90х годов XX в. в Центральной Азии. По мнению диссертанта накопившиеся национальные и этносоциальные проблемы в республиках бывшего Союза ССР привели к разрушению тоталитарного режима и образованию новых независимых государств. Обретение независимости открыло широкие возможности для международного сотрудничества, выработки новой

этносоциальной политики в Центральной Азии, установления новых межгосударственных отношений.

В диссертации исследованы материалы как Межгосударственного Совета Центральноазиатских республик так и местной прессы, научно-социологических центров. Для выявления наиболее острых этносоциальных проблем проведены массовые опросы на Ходжандской, Ферганской, Ошской, Чимкентско-Чорджуйской областях.

В третьей главе – «Современные этносоциальные проблемы в Центральной Азии и пути их решения» – исследуются социально-демографическая ситуация в Центральной Азии, проблемы миграции и безработицы. Сегодня независимые государства предпринимают определенные меры по решению этих проблем, но они требуют консолидации сил и выработки нетрадиционных подходов. Мир и стабильность в регионе зависят от тесного сотрудничества государств и их институтов по решению международных и региональных проблем. В диссертации раскрываются социально-политические основы возникновения гражданских, межконфессиональных конфликтов в Таджикистане. На основе фактологических материалов и как определенный итог проведенного исследования определяются пути и методы укрепления этносоциальных отношений в Центральной Азии.

Материалы и результаты диссертационного исследования могут быть использованы при преподавании курсов «Международные отношения», «Политология», «Этнография» в высших учебных заведениях, в деятельности Межгосударственного Совета, дипломатических институтов, Ассамблей Культур народов Центральной Азии и др.

The summary
of the thesis for a doctor's degree on a theme
"Ethnicsocial relations in the Central Asia: The theory, problems,
decisions ".

The urgency of a theme of dissertational research is defined, before that the given problem about today remained outside of a field of vision of researchers. In life of the independent Central Asian states there are huge changes, each state develops on a way own models, which have an effect on the international relations and a sociopolitical situation in the Central Asia. In the dissertation attempt to open essence ethno social relations in the Central Asia is undertaken, their forms, modern lines are analyzed and ways of strengthening of good neighbourhood, friendship and the world to region are defined.

In introduction the urgency of a theme of research is proved, its object, a subject, the purpose and problems (tasks) are defined.

In the first chapter - "Scientific - methodological questions national and ethnic social relations" - it is considered the basic scientific-theoretical concepts on the given problem, their social - philosophical analysis will be carried out from the point of view of a modern science. The dissertator divides them on the following directions: 1) historic- ethnic and ethno social; 2) social - anthropological; 3) social - utopic; 4) social - psychological; 5) statistical; 6) nationalist, racial; 7) historic-materialistic; 8) idealistic and transcendental; 9) passionate; 10) cultural - civilized concepts.


In the second chapter - " Formation of the new independent states of the Central Asia and formation of new ethno social relations" - are studied sociopolitical and ethno social situations up to 1990s years of last century in Central Asia. In opinion of the dissertator collected national and ethno social problems in republics of former USSR have resulted in destruction of a totalitarian mode and formation of the new independent states. Finding of independence has opened ample opportunities for the international cooperation, development of new ethno social policies in the Central Asia, establishments of new interstate relations.

In the dissertation materials as Interstate Council of Central Asian republics and local press, scientific - sociological centers are investigated. For

revealing the sharpest ethno social problems mass interrogations on Hodzhand, Fergana, Osh, Chimkent-Chordzho areas are carried out.

In the third chapter - "Modern ethno social problems in the Central Asia and a way of their solution" - investigated a social - demographic situation in the Central Asia, problems of migration and unemployment. Today the independent states undertake the certain measures under the decision of these problems, but they demand consolidation of forces and development of unconventional approaches. The peace and stability in region depend on close cooperation of the states and their institutes under the decision of the international and regional problems. In the dissertation sociopolitical bases of civil, inter-confessional conflicts in Tajikistan are covered. On basis factual materials and as the certain result of the carried out research ways and methods of strengthening ethno social relations in the Central Asia are defined.

Materials and results of dissertational research can be used at teaching of "International relations", "Political science", "Ethnography" in higher educational institutions, in activity of Interstate Council, diplomatic institutes, Association of Cultures of peoples of the Central Asia etc.

A handwritten signature in black ink, consisting of stylized, cursive letters that are difficult to decipher. The signature is written on a white background.

Босишга рухсат этилди *18.09.03* й.
Қоғоз бичими **60x84. 1/16**. Ризографда босилди
Далови **100** нусха. Буюртма **104**

Кибернетика институтининг
босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент. Ф. Хўжаев кўчаси, 34 уй.